ПАХТАКОР ЎРТОҚ, МУДДАТ ЯҚИН, ЧИГИТ ЭКИШГА ШАЙМИСИЗ?

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН


ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 62 (12.415)

Пайшанба, 14 март 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.



Хўжаобод районидаги Карл Маркс номли колхозда партия-давлат контроли комитетининг пости тузилган. СУРАТДА (чапдан ўнгга): пост аъзоси, колхоз партия ташкилотининг секретари Исмоил НОРМАТОВ, механизатор Янгибой МАТИСМОИЛОВ ва комиссия раиси Расул КОМИЛОВ ўртоқлар чигит экадиган сеялкаларнинг қандай ремонт қилинганлигини текширмоқдалар.

С. Безносов фотоси.

ПАРТИЯ СЎЗИ — ҚАЛБИМИЗ АКС САДОСИ

Партия ва ҳукуматимиз раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашуви шонли традицияга айланди. Маданий ҳаётимизда гояг катта воқеа ҳисобланган бу учрашувлар бизда адабиёт ва санъат иши умумхалқ ишига айланганининг ёркин ифодасидир. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукумат раҳбарларининг шу йил 7-8 мартда адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашуви ва унда қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг сўзлаган ёркин нутқи совет кишиларининг, шу билан бирга ер юзидаги барча дўстларимизнинг қалбини қувончларга тўлдирди.

Бизда партия билан халқ ва қалбимиздаги энг нозик ҳис-туйғуларни тараннум этаётган, жанговар революцион руҳ билан суғорилган адабиёт ва санъатимиз арбоблари ҳамкор ва ҳамфикрдир, зотан идеологияга ишининг ана шу энг муҳим участкаси ҳамиша шонли Коммунистик партиямизнинг диққат марказида бўлиб келмоқда, у адабиёт ва санъатнинг ленинча партиявийлик принципини изчиллик билан амалга оширмоқда. Бу эса совет адабиёти ва санъатининг жаҳонда энг гоявий ва инсонпарвар адабиёт ва санъат даражасига кўтарилишида асосий омил бўлди.

Совет адабиёти ва санъати гоят катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Улуғ Октябрь революцияси ғалабасидан кейин бадиий ижодиёт аҳлининг катта бир армияси етишиб чиқдики, бу партия ва ҳукуматимизнинг адабиёт ва санъатнинг гуллаб-яшнаши учун тинмай кўрсатиб келаётган ғамхўрликларининг ажойиб самарасидир. Буни барча иттифоқчи қардош республикалар қаторида Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзбек адабиёти ва санъати рус ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқлар бадиий меросидан баҳраманд бўлиб, катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ўзбек халқининг оташ қалб шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг пафос тўла революцион – қўшиқлари, шодлик ва бахт, меҳр-вафо куйчиси Ҳамид Олимжоннинг социалистик Ватанга садоқат туйғулари билан лиммо-лим лирикаси, Ойбек, Ғафур Ғуломларнинг давр нафаси уфириб турган жўшқин ижоди республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Мусиқа, театр санъати, кино, рассомлик ва ҳайкалтарошлик соҳасида ҳам эришган ютуқларимиз шубҳасиздир ва булар халқ ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда. Бироқ ҳали ўзбек адабиёти ва санъати намояндалари олдида ҳам гоят катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Совет халқи ўзининг ленинчи партияси раҳбарлиги остида коммунистик жамият қурмоқда. Коммунизм учун олиб борилаётган курашда эса ҳамма одамларни коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаш жуда муҳимдир. Бунинг учун ўртоқ Н. С. Хрушчев партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан бўлган учрашувида алоҳида таъкидлаб кўрсатганидек: **«Бизнинг халқимизга жанговар революцион санъат керак. Совет адабиёти ва санъати коммунизм қураётган буюк ва қаҳрамон давримизни ёркин бадиий образларда гавдалантириб бериши, турмушимизда янги, коммунистик муносабатларнинг қарор топаётгани ва ғалаба қилаётганини ҳаққоний акс эттириши лозим».**

Биз фақат ана шундай санъат учун, инсоннинг қалби ва онгига чуқур кириб борадиган, унда юксак гражданлик туйғуларини жўш урдирадиган ва ўзини одамлар бахт-саодати учун курашга бағишлашга чорловчи санъат учун курашмоғимиз керак. Санъаткор халқ олдида масъулиятли ва унинг ижоди — халқ олдидаги катта хизматидир. Шунинг учун ҳам у ўзининг бугун куч-ғайратини, қалб ҳароратини яратувчилик завқ-шавқига тўлиб-тошган асарлар яратишга сарфлаши керак. Адабиёт ва санъатимиз саҳифаларига ана шу нуқтаи назардан қараганда республикамиз санъаткорлари халқ олдида қарздор бўлиб қолаётганликлари яққол кўзга ташланади.

Бадиий адабиётимизда республикамиз ишчилар синфининг шижоатли меҳнати, яратувчилик куч-қудратини кўрсатувчи, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ватанпарварлик ҳаракатларини бугун салобати билан тараннум этувчи, интеллигенциямизнинг халқ бахт-саодати йўлида олиб бораётган самарали ишларини ҳаётимиздагидай гўзал акс эттирадиган йирик полотнолар жуда оз. Коммунизмнинг гигант иншоотларида, қўриқ ерларда ватанпарварлик намуналарини кўрсатаётган азаматлар образи роман ва повестлардан етарли ўрин олмаётир, драматургия, поэзия жанрларида яратилаётган асарлар орасида ҳам қайноқ ва воқеликка бой ҳаётимиз тўла акс эттирилмаётган, бадиий ва ғоявий саёз, айрим ҳолларда эса воқелигимизни бузиб кўрсатадиган ғўр, жамоатчиликни ранжитадиган асарлар бор.

Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт ва «Ёш гвардия» нашриётларида босиб чиқарилаётган адабиёт ва музика асарларига, шунингдек тасвирий ва театр санъати ҳақида нашр этилаётган китобларга нисбатан талабчанликни кескин ошириш, ёзувчилар, композиторлар, музикашунослар, рассомлар жамоатчилиги кўригидан ўтказилмаган хом-хатала асарларни босиб чиқариш практикасига мутлақо хотима бериш керак.

Ўзбекистон композиторларининг халқимизнинг юксак дидига мос келадиган, унинг эстетик завқини оширадиган музика асарлари унча кўп эмас. Ўзбек опера ва балет санъатининг суст ривожланаётгани, айниқса санъатнинг бу турида замонавий тема тўла аксини топмаётгани Ўзбекистон композиторлар союзининг бу муҳим соҳага жиддий эътибор бермаётганидан далолат бериб турибди. Бизда кишиларни меҳнатда янги-янги марраларни эгаллашга руҳлантирадиган қўшиқлар жуда кам.

Санъаткор ўз истеъдодини халқимизнинг коммунизм қуриш учун курашига бутунлай бағишлаганидагина бадиий юксак, ғоявий етук асарлар яратиши мумкин. Ўз асарлари халққа манзур бўлганлигини ва халқ бу асарларга юксак баҳо берганлигини англашдан ҳам кўра санъаткорга кўпроқ завқ бағишлайдиган нарса бўлиши мумкинми? Социалистик санъат совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялайдиган қудратли қуролдир. Бу санъатнинг куч-қудрати ва гўзаллиги унинг коммунистик ғоявийлигида, омма билан монолит бирлигидадир. Санъаткор ўз халқининг фарзанди. Халқ орзу-умидлари унинг орзу-умидлари — халқ ўйи унинг ўйидир. Социалистик санъатимизда Владимир Ильич Ленин асос солган коммунистик партиявийлик руҳи мавжуд экан, у гуллаб-яшнаверади, жаҳон маданияти хазинасини ўз дурдоналари билан тўлата беради.

«Социалистик жамиятнинг раҳбар кучи, — дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев. — **Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. У бутун совет халқининг иродасини ифода қилади, бинобарин халқнинг туб манфаатлари учун кураш КПСС фаолиятининг мақсадидир...**

Дирижёр — оркестрда барча асбобларнинг ўзаро ҳамоҳанг ва муносиб янграшини кузатиб тургани каби партия ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаётда барча совет кишиларининг куч-ғайратларини ягона мақсад сари йўналтиради.

Социалистик жамият раҳбар куч бўлган партия орқали кишиларнинг нормал ҳаёт кечиришига тўсқинлик қилувчи ғовларни бартараф қилади ва коммунизм қуриш учун зарур бўлган моддий, маданий, ғоявий шарт-шароитларни вужудга келтиради».

Адабиёт, рассомлик, музика, кино, театр — партиямизнинг ўткир ғоявий қуролидир. Ана шу ғоявий қуролнинг ҳамма турларини ҳамиша жанговар ҳолатда сақлаш — ўзбек адабиёти ва санъати барча ходимларининг ҳам Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчидир.

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Шовот ишлаб чиқариш бошқармасининг чорвадорлари меҳнат соҳасида муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Улар устьлабинсклик деҳқонлар ва янгийўллик пахтакорлар ташаббусини кенг қўллаб-қувватлаб, давлатга гўшт, сут ва тухум сотиш квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Ҳозир ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашлари чигит экишга тайёргарлик ишларини тезроқ тугаллаш учун мусобақалашмоқдалар. (ЎзТАГ).

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Яккабоғ районидаги «Марксизм» колхозида экиш олди ишлари тугалланай деб қолди. Колхознинг Алла Чориев бошлиқ бригадасида ариқ-зовурларни тозалаш тамомланди. Бригадага биркитилган иккита «ДТ-24» трактори ва қишлоқ хўжалик машиналари дала ишларига тахт қилиб қўйилди. Ҳар гектар ер ҳисобига 8 тоннадан гўнг жамғарилди. Тупроқ етилиши билан шудгорни юм. шатиш кучайтириб юборилади.

С. ТУРДИАЛИЕВ.

* * *

Поп ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг далаларида иш қизғин. 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган Роҳатой Алиёрова бошлиқ бригадада далаларга 1:200 тонна маҳаллий ўғит чиқариб тўкилди. Суғориш тармоқларининг ҳаммаси тартибга солинди. Шудгорни юмшатиш кучайтириб юборилди. Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам экишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

О. ҲАМИДОВ.

* * *

«Хева» колхози чигит экиш кампаниясига тайёргарликда Хева ишлаб чиқариш бошқармасидаги бошқа хўжаликлардан олдинда бораётир. Машариф Бекматов бошлиқ бригадада ҳамма экин майдони 28-30 сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Ҳайдаш олдидан ерга 5-6 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Чигит экишдан олдин ерга солиш учун гектарига 7-8 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилди. Колхознинг Қ. Қаландаров ва Х. Гадоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ариқ-зовурларни тозалаш, экин майдонларини текислаш, карталарни яхлитлаштириш тугалланай деб қолди.

А. БОБОЖОНОВ.

ЕРНИНГ ШЎРИ ЮВИЛМАЁТИР

Фарғона область, Киров ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Комсомол» совхозининг «Қизил Октябрь» бўлими бир неча йилдан буён пахта тайёрлаш планини бажармай келаётир. Бунга кўп жиҳатдан чигит экиш кампаниясига яхши тайёргарлик кўрилмаслиги сабаб бўлмоқда. Бўлимда ернинг шўрини ювиб йўқотишга етарли эътибор берилмайди, шудгорни вақтида юмшатиш йўли билан қиш бўйи тўпланган намни тўла сақлаб қолиш чораси кўрилмайди. Эрта баҳорда қилинадиган кўп ишлар чигит экиш вақтида ўтказилади. Натижада экиш орқага сурилади, гўза қатор ораларини ишлаш кечиктириб ўтказилади.

Ўтган йили йўл қўйилган ана шу хато бу йил яна такрорланмоқда. Бўлим бошқарувчиси Абдураззоқ Йўлдошевнинг бепарволиги орқасида шўр ювиш кечиктириб юборилмоқда. 400 гектар ернинг шўрини ювиш плзнлаштирилган бўлса, энди 100 гектар ердаги туз ювиб йўқотилди. Бўлимнинг Эгамбердиев, Нурматова, Бекбобоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида шўр ювиш айниқса суст олиб борилмоқда. Ҳолбуки, бўлимга берилган сув кўп вақт ариққа оқизиб қўйилади.

Суғориш шохобчаларини кенгайтириш ва тозалаш ишларига ҳам эътиборсиз қаралмоқда. Ариқ-зовурларни тозалаш юзасидан қилиниши лозим бўлган ишларнинг ҳали учдан бир қисми ҳам бажарилгани йўқ. Бўлимдаги ишчилар бу ишга тўла сафарбар этилмаган. Суғориш шохобчаларини тозалашда техникадан қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Совхозимиз бу йирик пахтачилик бўлимида чигит экишга тайёргарлик ана шундай ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганлиги хўжаликнинг раҳбарларини негадир ташвишлантирмаётир.

Р. ФАРМОНОВ.

ҲАМ МЎЛ, ҲАМ АРЗОН

— Ҳам мўл, ҳам арзон пахта етиштирамиз! — Андижон область, Москва районидаги Тельман номли колхоз аъзоларининг аҳди ана шундай. Колхозда пахта ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Кейинги тўрт йил ичида бу ерда ҳосилдорлик 7 центнер ошди. Бунга асосий бойлик — ердан тўғри фойдаланиш, гўза парвариши ва ҳосил йиғим-теримида механизацияни кенг жорий этиш туфайли эришилди. Айниқса, колхозимизнинг Иброҳимжон Мадраҳимов бошлиқ бригадаси аъзолари мўл ва арзон пахта етиштиришда бошқа бригадаларга намуна кўрсатмоқдалар.

Колхозда ҳозир кўклам экишига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Хўжаликда бу йил 25 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта ҳам бригада бўлмайди. Пахта таннархи ўтган йилдагига нисбатан анча арзонлашади.

И. ҲУСАНОВ,
колхоз аъзоси.

Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасидаги 6- совхозга Комсомол йўлланмаси билан Андижон областидан трактерчи, экскаваторчи, қурувчи ва бульдозерчи ёшлар келишди. Суратда: Андижонлик мутахассис ёшлардан бир группаси (чапдан ўнгга) Аҳмаджон Баҳромов, Уринбой Раҳимов, Нуъмон Мўминов, Мирзаналон Турсунов ўртоқлар.

В. Сиротнин фотоси.



РСФСР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИ ВА БОШҚАРМА БОШЛИҚЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

МОСКВА, 12 март. (ТАСС). Бугун Катта Кремль саройида Россия Федерациясидаги колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари секретарлари ва бошқарма бошлиқларининг кенгаши давом этди.

Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, Д. С. Полянский, Н. С. Хрушчев, Л. Н. Ефремов, В. И. Поляков ўртоқлар президиумга чиққанларида кенгаш қатнашчилари уларни қарсаклар билан қутиб олдилар.

Раислик қилувчи Л. Н. Ефремов Киевдан олинган телеграмма текстини ўқиб беради.

Эрталабки мажлисда Бошқирдистон АССР Илишевск ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари **А. Г. Аминев**, СССР қишлоқ хўжалик министри **И. П. Воловченко**, Кубанининг донғдор механизатори **В. Я. Первицний**, академик **Т. Д. Лисенко** ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кечқурунги мажлисда кенгаш қатнашчилари томонидан самимий қутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Н. С. Хрушчев** нутқ сўзлади. Унинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Кенгаш қатнашчилари якдиллик билан КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома қабул қилдилар.

Шу билан кенгаш ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

СОВЕТ РАДИО ЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

8-12 мартда Москвада радио эшиттириш ва телевидение ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда республика, ўлка ва область комитетларининг раислари, Бутуниттифоқ радио ва Марказий телевидение ходимлари, шунингдек министрликлар ва бошқармаларнинг, жамоат ташкилотларининг, марказий газеталарнинг вакиллари қатнашдилар.

Кенгаш Совет радио эшиттириши ва телевиденнесининг ғоявий ва бадиий савиясини янада ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги идеология комиссиясида қабул қилишдилар. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. Ильичев нутқ сўзлади. (ТАСС).

А. ФАНФАНИ А. АДЖУБЕЙ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

РИМ, 12 март. (ТАСС). Бугун Италия Министрлар советининг раиси А. Фанфани «Известия» газетасининг бош редактори, «СССР-Италия» жамиятининг вице-президенти А. И. Аджубейни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

ТОШКЕНТ САНОАТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Биринчи чақириқ меҳнаткашлар депутатлари Тошкент саноат область Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия саноат область Советининг ижроия комитетини сайлади. А. А. Ҳўжаев область ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

13 мартда ўртоқ Н. С. Хрушчев раислигида КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг қўшма мажлиси бўлди. Бу мажлисда саноат ва қурилишга раҳбарликни янада такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар, шунингдек СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964-1965 йилларга мўлжалланган плани лойиҳасини ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966-1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалалар қараб чиқилди.

Бу масалаларни муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари, Министрлар Советларининг раислари, СССР министрлари ва бошқа марказий муассасаларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Саноат ва қурилишни ривожлантиришга раҳбарликни янада яхшилаш ва СССР Госплани, СССР Халқ хўжалиги кенгаши, СССР Госстройи ҳамда тармоқ ва ишлаб чиқариш давлат комитетларининг ишларини координациялаш мақсадида СССР Министрлар Советининг СССР Халқ хўжалиги олий кенгашини тузиш зарур, деб топилди. СССР Халқ хўжалиги олий кенгаши мамлакатда саноат ва қурилишга раҳбарлик қилувчи олий давлат органи бўлиб, саноат ва қурилишнинг ишлари билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш ва давлат планларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган барча ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлади.

СССР Халқ хўжалиги олий кенгаши тузилиши муносабати билан бир қанча ташкилий масалалар қараб чиқилди.

Мажлисда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964-1965 йилларга мўлжалланган план лойиҳасини ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966-1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

СССР Госпланига СССР Халқ хўжалиги кенгаши, СССР Госстройи ва Илмий тадқиқот ишларини координациялаш СССР давлат комитети билан биргаликда 1964-1965 йилларга мўлжалланган план лойиҳаси тўғрисидаги таклифларни тақдим этиш топширилди. Бу лойиҳа КПСС Марказий Комитети ноябрь (1962 йил) пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг саноат ва қурилишга раҳбарликни янада яхшилаш тўғрисидаги қарори асосида ишлаб чиқилиши керак.

СССР Госпланига ва бошқа ташкилотларга СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966-1970 йилларга мўлжалланган перспектив плани лойиҳасини тайёрлаш ҳам топширилди. Беш йиллик план лойиҳасида халқ хўжалигини пропорционал ривожлантириш, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан энг рационал ва энг самарали фойдаланиш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш ва мамлакатнинг мудофаа қувватини янада мустаҳкамлаш зарурлигига асосланиб, КПСС Программасида бош перспективанинг биринчи ўн йиллигига мўлжалланган топшириқларни конкретлаштириш кўзда тутилади.

ПАРТИЯ ҒОЯВИЙ ҚУРОЛИНИНГ ҲАММА ТУРЛАРИ ЖАНГОВАР ҲОЛАТДА БЎЛСИН!

ҲАМИША ХАЛҚ БИЛАН

ОЙБЕК

Москвада ҳукумат ва партия раҳбарлари билан адабиёт ва санъат арбобларининг бўлиб ўтган учрашуви ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Никита Сергеевич Хрушчевнинг чуқур мазмунли ва принципиал нутқи кўп масалаларни ўз ичига олади. Бу нутқ устида совет ёзувчилари ва санъат арбоблари кўп ўйлашлари ва теран мулоҳаза юритишлари лозимдир. Никита Сергеевич бизнинг адабиётимиз ва санъатимиз тақдири ҳақида ғоятда самимий ғамхўрлик билан гапирди, ғоят равшан фикрларни ўртага ташлади.

Никита Сергеевич абстракционистларнинг қалам ва бўёқни хўр қилиб алжирашларини кескин танқид қилганда ва уларга қарши ўлароқ реалист рассомларни, ҳақиқий ижодкорларни мисол келтирганда севикли рассомимиз Урол Тансиқбоевнинг юртимизнинг баҳорлари ва ёзларининг бутун гўзаллигини очиб юборган расмларини кўз олдимга келтирдим. Абстракционист рассомларнинг бемаъни чизмакашликлари билан ҳақиқий санъат гавҳарлари орасида қандай катта фарқ бор! Ўролнинг расмлари табиатнинг жонсиз, қуруқ нусхаси эмас, илҳом ва муҳаббат билан суғорилган жонли санъатдир. Унинг расмларига боққанимда юрагимда самимий қувонч тошиб кетади.

Никита Сергеевич Хрушчев ва Л. Ф. Ильичев ўртоқлар ўз нутқларида адабиёт ва санъат арбобларининг халқ олдидаги бурчлари ҳақида ҳароратли гапирдилар. Қадрдон Никита Сергеевич бизни коммунистик ғоялар учун курашувга партия номидан чақирди. Улуғ Ленининг санъат ва адабиётда партиявийлик ва ғоявийлик принципларини яна бир дафъа бизга эслатди.

Совет халқи энг одил, энг ҳақиқоний жамият қурмоқда. Бу коммунизм меъморларининг қалби чексиз маънавий бойликлар билан тўлиб тошган. Совет халқи юксак ва олижаноб интилишга эгадир. Совет одами юрагида зўр куч ва юқори софлик жўшқин урган, эзгу ниятлар билан, буюк ҳамлалар билан олға босаётган одамдир. Бундай соф юракли одамларга ҳамиша одиллик, тозалик, гўзаллик каби инсоннинг энг юқори фазилатлари йўлдошдир. Шундай халқ учун яратиш, ижод этиш, меҳнат қилиш бизнинг энг эзгу бурчимиз, қувончимиз, бахтимиздир. Бундай халқнинг ҳаётини акс эттириш, унинг талабига жавоб бериш, унинг улуғ йўлида қийинчиликларини биргалашиб бартараф этиш, ғалабаси завқини бирга тотиш, қувониш ҳар бир ижодкорнинг юксак орзусидир.

Партиямизга, ҳукуматимизга, шахсан Никита Сергеевич Хрушчевга бизнинг адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимиз тараққиёти учун кўрсатган ғамхўрликлари учун чуқур ва самимий ташаккур, дейман.



Узбекистон рассомлари партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан бўлган учрашувида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган ёрқин нутқини қизғин муҳокама қилмоқдалар. Суратда: (чапдан) рассом И. Я. ВАЛЬДЕНБЕРГ, санъатшунос Л. В. ШОСТКО, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Л. АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Ўзбекистон рассомлар союзи правлениесининг раиси И. ИКРОМОВ, Ўзбекистон рассомлар союзи правлениесининг масъул секретари А. А. КРИВОНОС, санъатшунос М. Г. ХАРАТОВА ва Ўзбекистон рассомлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари Т. АҲМЕДОВ ўртоқлар.

В. Кожевников ва В. Сваричевский фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАНЗУР АСАРЛАР ЯРАТИШ УЧУН

Н. С. Хрушчевнинг Кремлда 8 мартда барча адабиёт ва санъат арбобларига қарата сўзлаган нутқи биз идеология фронтининг ходимлари учун, мамлакатимизда коммунизм қуришда партия ёрдамчилари учун ғоят катта аҳамиятга эга, деди Ўзбекистон Композиторлар союзининг раиси Собир Бобоев Ўзбекистон Телеграф агентлигининг мухбири билан суҳбатда. Композиторлар, ижрочилар ва совет мусиқаси пропагандистларининг бутун фаолияти ўз асарлари билан коммунистик ғояларни барқарор қилишга актив ёрдам кўрсатишга, социализм ва коммунизмнинг душманларига қақшатқич зарба беришга, империалистларга ва мустамлакачиларга қарши курашга қаратилиши керак.

Ўзбекистон композиторларининг ижоди учун, деди сўнгра Собир Бобоев, какофония мусиқаси характерли эмас. Лекин республикамиз композиторлари олдида жанговар жасоратга ва меҳнатга чорловчи ҳамда замона темасини чуқур акс эттирувчи мусиқа яратиш вазифаси турибди.

1963-1964 йиллар Ўзбекистон композиторлари учун республикамиз 40 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида айниқса жиддий меҳнат қилиш даври бўлади.

Янги мусиқа асарларини яратувчилар яна бир воқеага — Ўзбекистоннинг Россияга қўшилишининг 100 йиллигига тайёргарлик кўрмоқдалар.

Союзимизнинг вазифаси, деди суҳбат охирида С. Бобоев, композиторлар ижодини шундай ташкил қилишдан иборатки, уларнинг ҳар бири халққа манзур асарлар яратиш учун ўз таланти ва маҳоратини тўла намоён қила олсин.

М. ШАЙХЗОДА.

ПАРТИЯ—ЙЎЛБОШЧИМИЗ

Никита Сергеевич Хрушчевнинг партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувида сўзлаган чуқур мазмунли, ёрқин ва ўз ғоявий йўналиши жиҳатидан бой нутқи мамлакатимиз ижодий интеллигенцияси ҳаётида ҳақиқатан ҳам тарихий воқеадир. Бу нутқ барча ёзувчилар, рассомлар, танқидчилар, артистлар, композиторлар ва архитекторлар фаолиятига чинакам партиявий муносабатда бўлишнинг намунасидир.

Партия бизларга оталарча таълим бермоқда, йўл кўрсатмоқда, тарбияламоқда ва илҳомлантирмоқда. Партия бизга: халқ ҳаёти билан яшасанг, асаринг ҳам халқчил бўлади, яхши меҳнатинг учун эса, халқ доимо ўз муҳаббати билан ташаккур айтади, демоқда.

Биз, Ўзбекистон санъати ва адабиёти арбоблари учун Н. С. Хрушчевнинг доно маслаҳатлари ижодий фаолият соҳасида янги, янада порлоқ уфқлар очиб беради. Коммунизмнинг бадиий маданияти бизнинг давримизда ва бутун илғор инсоният бахт-саодати йўлида ўз қўлимиз билан яратилмоқда. Бу — олижаноб масъулиятли вазифани бажариш йўлида яшаш, ижод қилиш ва қувониш катта шарафдир.

САНЪАТИМИЗ БАРҚ УРИБ ЯШНАСИН!

Қадрдон Никита Сергеевич Хрушчев сўзи — партиямиз сўзидир. Мен ҳам хаяжонланиб, қалб сўзларимни айтишни лозим топдим.

Санъатимиз барқ уриб ривож топмоқда. Кейинги вақтларда бир неча опера ва балетлар яратилгани бунга яққол далилдир.

Биз ўзимизнинг миллий операмиз билан фахрланамиз. Яна бир йилдан сўнг театримизнинг 25 йиллигини нишонлаймиз. «Гулсара», «Тоҳир ва Зуҳра», «Лайли ва Мажнун», «Дилором», «Зайнаб ва Омон», «Ҳамза» ва «Майсаранинг иши» опералари ҳеч шубҳасиз санъатимиздаги катта ютуқдир. Чунки бу асарлар халқ мулки бўлиб қолди — уни севиб томоша қилмоқдалар.

Лекин мен бу кичик бир мақолада ҳозир кўзга ташланаётган баъзи нуқсонларимиз ҳақида ҳам бир-икки мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Кайта ишланаётган халқ музикаларимиз ҳамма вақт ҳам сержилва тингловчиларимизга бориб етадиган бўлаётгани йўқ. Баъзи музикалар пала-партиш ишланганлиги натижасида суюқ, маъносиз бўлиб, кўп кишиларнинг ғашини келтиряпти.

Ўзбек операларидан «Майсаранинг иши»ни халқимиз севиб тинглаётир. Бунга сабаб ундаги халқ музикаларининг ёқимлилигид и р.

Классик ва халқ куйлари — ашулаларимиз, мақомларимиз авлоддан авлодга, асрдан асрларга ўтиб келар экан, ҳозирги замон композиторларининг қўшиқ л а р и ҳам ўша ўлмас мақомларимиз қаторидан жой олиши керак. Композиторларимиздан Ю. Ражабий, Т. Жалилов, С. Юдаков, А. Козловский, М. Бурхонов, С. Бобоев, М. Левиев, Д. Зокиров, И. Акбаровларнинг музикалари халқимизга манзур бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбек музика санъатида эстрада оркестри янги ташкил бўлган жанр бўлиб, у халқ орасига тез сингиб бормоқда. У халқимизга манзур бўладиган асарлар билан бойитилиши керак. Оркестр бемаъни, шовқин-сурондан иборат «музика»ларга тақлид қилиб эмас, халқчил, нафис, ёқимли, ҳушоҳанг музика ва қўшиқлар ҳисобига бойитилиши керак.

Бошқа санъат асарлари каби— музика ҳам баҳодирликни, Ватанни севишни, озод меҳнатни, дўстликни улуғлаши керак. Бу ҳақда санъат ва адабиётимизнинг энг яқин дўсти Никита Сергеевич Хрушчев ажойиб фикрлар айтди.

Шу вақтга қадар музика маданиятимизда кўп овозлик яъни музика тили билан айтганда «дуэт», «трио», «квинтет», «квартет»лар кам яратилган эди. Буларга концерт программаларидан кенгроқ ўрин бериш лозим.

Санъаткор аввало гўзал, пок қалб эгаси бўлиши, фақат саҳнадагина эмас, ҳаётда, жамоатчилик орасида ҳаммага намуна бўлиши лозим. Чунки гўзал санъат саҳна учун эмас, энг аввало ҳаёт—кишилар учун керак.

Карим ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

МУРАББИЙ СЎЗЛАРИ

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев, — биз идеология соҳасида тинч-тотув яшашга қаршимиз деди. Ўртоқ Хрушчев ижодкорлар олдида турган жуда муҳим масалаларни аниқ кўрсатиб берди. Бу доно фикрларни ўқидик, уқдик — улар қалбимизга ғоят яқиндир. Улар ижод богимизга тушган қуёш нурларидек жуда зарур эди.

Биз аввало яхши асар билан халқимизга хизмат қилмогимиз, бу хизмат сидқидилдан бўлмоғи кераклиги айтилди. Ижод кишиси асари билан бир қаторда ўз одобу инсонийлиги билан ҳам ибрат бўлмоғи кераклигини партиямиз алоҳида таъкидлаб келмоқда. Халқ ёзувчиларни севади. Талантли китобларга элимиз муштоқ. Шоир Е. Евтушенконинг талтайиб кетганлиги мисолида ва унинг сиёсий жиҳатдан ғўр шеърлари душман тегирмонига сув қуяётганини алоҳида кўрсатилди. Ижод — катта меҳнат эканлигини партия бизга ҳамма вақт айтаяпти. Катта меҳнатга бўйин ёр бермайдиганлар ижодида маҳорат ҳам бўлмайди. Принципиал, ҳалол танқид бўлмаган жойда ижодни пўпанак босади — шуҳрат кетидан кетувчиларнинг ижоди узоққа бормаслиги маълум. Инсон танида юрак, қўл, кўз...лар билан бирга тирноқ, соч каби беҳис аъзолар ҳам бор. Юраклар парвариш қилинади, ҳиссиз аъзолардан таниш соқит қилиниб турилади. Улуғ жамиятимизда қалб, кўз, қўллар бўлайлик.

Қадрдон Никита Сергеевичнинг доно сўзлари ижодимиз равнақида буюк программадир.

МИРМУҲСИН.

БАРҲАЁТ ТАЪЛИМОТ

(Карл Маркс вафотининг 80 йиллиги муносабати билан)

Карл Маркс... Ер шарида бу номни кишилар тилга олмайдиган бирор жой топилмаса керак. Маркс — барча мамлакатлар ва қитъалар пролетарларининг улуғ устози, жамиятни революцион тарзда қайта ўзгартириш тўғрисидаги фаннинг яратувчисидир.

Илмий коммунизмнинг асосчиси бўлган Карл Маркс ўз фаолиятида гениал тадқиқотчи олим ва жўшқин революционерлик фазилатларини мужассамлаштирди. У ўзининг бутун гигант билимини, ўзининг бутун ғоят катта талантини меҳнаткашларни эксплуататорлар зулмидан озод қилиш ишига бағишлади. Маркс томонидан яратилган таълимот, Энгельс таърифи билан айтганда, жуда юксак маъюда революцион куч бўлиб қолди. Қисқа тарихий муддат ичида, бир неча ўн йиллар мобайнида бу таълимот неча миллионлаб кишилар ақли ва қалбини мафтун этди, ижтимоий тараққиётнинг бутун жараёнига жуда катта таъсир ўтказди. Эндиликда марксизм-ленинизм ўз сафларида қирқ икки миллион бешюз минг кишини жипслаштирган коммунистлар қудратли армиясининг жанговар байроғи бўлиб қолди. Бу енгилмас армия йил сайин ўсиб ва мустаҳкамланиб бормоқда!

* * *

Буржуазия ва унинг қуролбардорлари марксизмни йўқ қилиб ташлашга жуда кўп марта уринибқўрдилар. Россиядаги кўпгина марксист революционерлар чор жандармаларининг қурбони бўлди. Ўн мингларча коммунистлар фашистлар тюрьмаларида ва қамоқ лагерларида азоб бериб ўлдирилди. Юз мингларча саботли курашчилар марксизм-ленинизм ғоялари тўла ғавдаланган дунёдаги биринчи социалистик давлатни ҳимоя қилиб, ўз жонларини фидо қилдилар. Буржуа дунёсидаги бир канча мамлакатларда—АҚШ, Ғарбий Германия ва бошқа мамлакатларда коммунистик партияларга ҳозир ҳам жуда қаттиқ таъқиблар остида оғир шароитларда ишлашга тўғри келмоқда. Бироқ террор ҳам, бўҳтонлар ҳам, зўравонлик ҳам Маркс таълимотини у ёга бўлган таъсир кучидан маҳрум эта олмади ва эта олмайди. Бу таъсир кучи Маркс таълимотини курашаётган пролетариатнинг, ер юзидаги барча меҳнаткашларнинг қудратли қуролига айлантирмоқда.

Буржуазиянинг марксизм таълимотини бузиш, уни эклектик мешчанларча сохта социализм билан алмаштириш, ишчилар синфини оппортунизм заҳари билан заҳарлаш, капиталистик тузумнинг муқаррар ҳалокатга учраши ва коммунизмнинг қарор топишига пролетариатнинг ишончига путур етказиш йўлидаги ҳамма уринишлари ҳам барбод бўлди.

Ленин томонидан, КПСС ва бошқа марксчи-ленинчи партиялар томонидан ижодий тарзда ривожлантирилган ва бойитилган Маркс таълимоти бутун ер юзи бўйлаб голибона кадам ташлаб бориб, миллионларча меҳнаткашларни коммунизм учун курашга илҳомлантирмоқда.

«Маркс таълимоти тўғри бўлганлиги учун ғоят кучли таълимотдир»,— деб таъкидлаган эди Ленин (Асарлар, 19-том, 3-бет). Бу таълимот конкрет тарихий ва иқтисодий фактларни илмий жиҳатдан аник анализ қилишга асосланганлигидир. Бу таълимот жамият тараққиётининг асосини ташкил қилувчи процессларни тушунтириб беради.

Марксча назариянинг тўғрилиги юз йилдан кўпроқ вақт мобайнида ҳаётнинг ўзи билан тасдиқланди. **«Марксизм-ленинизм,** — дейди Н. С. Хрушчев, — **ҳозирги вақтда инсоният олдида фақат назария сифатидагина эмас, балки яққол кўриниб турган воқелик сифатида ҳам майдонга чиқмоқда».** Планетанинг каттагина қисмида капиталистик тузумнинг тугатилганлиги, Совет Иттифоқида социализм ғалабаси, ер юзидаги аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғини бирлаштирувчи қудратли социалистик лагернинг вужудга келганлиги илмий коммунизм назариясининг тўғрилигини исботловчи рад этиб бўлмайдиган далиллардир.

Маркс ўз назариясини қандайдир абадий қотиб қолган нарса, қандайдир «абадий ҳақиқатлар» йиғиндиси, қотиб қолган догмалар йиғиндиси, деб ҳеч қачон ҳисобламаган. Унинг таълимотини турмушнинг ҳамма қолларида татбиқ қилинадиган абстракт схема деб билувчи кишилар ҳақида Маркс киноя қилиб бундай дер эди: «Бу ҳолда мен бир нарсанигина, ўзимнинг марксист эмаслигимни биламан!».

Марксизмнинг тарихий тақдири улуғ Ленин номи билан, мамлакатимизнинг у яратган Коммунистик партияси фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Владимир Ильич Ленин марксизмни шундай бир янги тарихий даврда ижодий, революцион тарзда ривожлантирдики, бу даврнинг хусусиятларини Карл Маркс ҳам, Фридрих Энгельс ҳам кўра олмаган эдилар.

Ленин илмий коммунизм назариясининг асосчилари айтган қуйидаги сўзларни доимо такрорлар эди: **Марксизм догма эмас, балки ҳаракат учун қўлланмадир.** Маркс таълимотини догматикларча тушунишни у халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун асосий хавфлардан бири, деб билар эди.

Марксизмнинг ошкора ва яширин душманлари илмий коммунизм назариясини доимо унинг ижодий характеридан маҳрум қилишга, уни ўлик, абстракт схемага айлантиришга уриниб келдилар. Ленин XX асрнинг дастлабки ўн йилликларидаёқ Маркс ва Энгельснинг айрим қоидалари ва фикрларини оппортунистик сиёсатни оқлаш мақсадида абсолютлаштириш йўлидаги ана шу сингари уринишларга қарши қатъий кураш олиб борган эди.

Ленин ўзининг бутун ҳаётинқ марксча назарияни янада ривожлантиришга ва ундан ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар ғалабасининг манфаатлари йўлида амалий фойдаланишга бағишлади. Ленинизм марксизмнинг бевосита ижодий давомидир.

Маълумки, пролетариатнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш йўллари ва воситалари ҳақидаги масала асосий масалалардан биридир. Пролетариат курашининг муваффақияти ана шу масаланинг тўғри ҳал этилишига боғлиқдир. Шу сабабли бу масалани ҳал этишга догматикларча ёндошиш энг катта хавфдир. Маркс кўрсатган эдики, социалистик революция ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш натижасидагина капиталистик тузумни ағдариб ташлаш ва социализм қуриш мумкин.

1917 йил баҳорида мамлакатимизда бир қанча вақт мобайнида қўш ҳокимият ўрнатилган пайтда Ленин ана шундай имкониятни кўзда тутган эди. Тўғри, пролетариат диктатурасини, тинч воситалар билан ўрнатиш учун ҳамма вақт ҳам шароит бўла бермайди. Лекин ҳар ҳолда бундай имконият бор, айниқса, жаҳон миқёсида кучлар нисбати социализм фойдасига тез ўзгараётган ҳозирги вазиятда бундай имконият мавжуддир. Ўзўзидан маълумки, буржуазия ўз ҳаракатлари билан курашнинг зўрлик ишлатиш методларидан фойдаланишга мажбур қилса, пролетариат бундай методлардан ҳам фойдаланади.

Урушга муносабат ҳақидаги масалада марксча-ленинча таълимотнинг ижодий характери айниқса яққол намоён бўлади. Марксизм асосчилари яшаган даврда асосан Европа ҳалқларининг миллий бирлик учун курашига боғлиқ миллий урушлар ёки Европа давлатлари мустамлакаларини босиб олиш мақсадида олиб борган мустамлака урушлари урушларининг асосий типи эди. Маркс билан Энгельс ҳар қандай реакцион урушларни қатъий қоралаган ва айни вақтда халқларнинг мустақил давлат сифатида яшашга бўлган адолатли интилишларини қўллаб-қувватлаган эдилар.

Империалистик давр арафасидаёқ Энгельс Умумевропа урушининг бошланиб кетиш хавфини олдиндан кўрган ҳамда милитаризмга ва шовинизмга қарши курашни барча мамлакатлардаги социалистларнинг шарафли иши деб ҳисоблаган эди. Монополистик гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви билан бу хавф кескин тарзда ўса борди. Бироқ пролетариат ўша пайтда ҳали жаҳон урушининг олдини олиб қолиш учун объектив тарзда етарли кучларга эга эмас эди. Ҳозир эса яъни мамлакатимизда социализм ғалаба қозонганидан ва социалистик лагерь вужудга келганидан, империализмнинг мустамлака системаси амалда барбод бўлганидан кейин аҳвол батамом ўзгариб кетди. Монополистларнинг янги жаҳон уруши бошлаб юборишларига йўл қўймаслик ва умуман халқаро низоларни ҳал этиш воситаси сифатида урушнинг жамият ҳаётидан чиқариб юборилишига эришиш учун реал имконият вужудга келди.

Марксизм-ленинизмни ривожлантиришдаги янги қадам бўлган бу муҳим хулоса, маълумки, КПСС XX съездида чиқарилди ва коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари кенгашларининг Декларациясида ва Баёнотида янада кўпроқ асослаб берилди. Карибденгизи районидаги тангликнинг бартараф этилганлиги бундай хулосанинг тўғри эканлигини исботлади. Ўша пайтда Совет ҳукуматининг узоқни кўзлаб қилган доно ҳаракатлари туфайли инсоният термоядро уруши даҳшатларидан сақлаб қолинган эди.

Бу эса реал фактларни, кучларнинг реал нисбатини тўла ва ҳар тарафлама ҳисобга олишга асосланган марксча назарияни ижодий ривожлантиришнинг ажойиб намунасидир. Империализм даврида урушларнинг муқаррарлиги тўғрисидаги маълум ва ўз вақтида абсолют тўғри қоидани бундай ҳолда халқаро майдондаги кучлар нисбатида рўй берган жуда катта ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда догматик тарзда такрорлаш инсоният учун нақадар катта хавф бўлиши мумкинлигини тасаввур этиш мумкин. Ҳарбий иш соҳасида термоядро қуроли, қитъалараро ракеталар ва шу сингариларни яратишдан иборат принципиал янгиликни ҳисобга олмаслик мумкинми, ахир? Йўқ, чинакам марксчи-ленинчилар воқелик фактларидан юз ўгиришмайдилар!

«...Ҳар ғал, — деб айтган эди Н. С. Хрушчев, — **конкрет вазиятни ва конкрет шароитларни ҳисобга олиш зарур. Реал вазиятни сергаклик билан ҳисобга олмасдан, догматик муносабатда бўлиш зарарлидир, чунки бундай муносабат энг жиддий хатоларнинг манбаи ҳисобланади. Абстракт ҳақиқат йўқлигини, ҳақиқат ҳамиша конкрет бўлишини марксчи-ленинчилар эсда тутмоқлари керак».**

Бу фикр марксча-ленинча назариянинг ҳозирги замон шароитидаги яна бир муҳим проблемада — қарама-қарши икки социал системанинг тинч-тотув яшаши тўғрисидаги масалада ҳам тасдиқланмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, Маркс ва Энгельс бу тезисни олға сура олмас эдилар, чунки улар асосий капитал мамлакатларида пролетар революцияси у ёки бу даражада айни бир вақтда ғалаба қозонади, деган қоидага асосланган эдилар. Империализм шароитида вазият ўзгарди. Ленин томонидан асосланган қоида, яъни социализмнинг алоҳида бир мамлакатда ғалаба қозониши мумкинлиги ҳақидаги қоидани ҳаёт тезда тасдиқлади. Октябрь революцияси жаҳон империализм системасига раҳна солди. Ўша пайтдан бошлаб шундай тарихий давр бошландики, бунда маълум давр мобайнида халқаро майдонда икки система — социалистик ва капиталистик системанинг тинч-тотув яшаши муқаррар бўлиб қолди. Бундай хулосани Ленин чиқарган эди.

Йигирма йил тинч-тотув яшагандан кейин империалистлар қурол кучи билан социалистик давлатни бўғиб ташлашга ҳаракат қилиб кўрдилар. Лекин бу уриниш батамом барбод бўлди. Фашизмнинг тор-мор келтирилиши натижасида социалистик лагерь вужудга келди. Бу лагерь барпо этилганидан кейинги дастлабки кунларданоқ капиталистик мамлакатлар билан ўз муносабатини ташқи сиёсатнинг ленинча принципларига мувофиқ қурмоқда.

Урушларнинг олдини олишнинг кейинги йилларда вужудга келган имконияти эса ҳозирги дунёни ажратиб турган социал ва сиёсий проблемалар ҳал этиладиган бутун тарихий давр мобайнида тинч-тотув яшаш перспективасини очиб берди.

Кейинги ўн-йигирма йил ичида тарихий тараққиёт майдонга ташлаган масалаларга марксизмнинг улуғ асосчилари асарларидан жавоб топишга уриниш нақадар бемаъни эканлиги тобора равшанроқ бўлиб қолмоқда. Бу нарса марксча назариянинг руҳига ётдир. Маркс билан Энгельс бундай уринишларга қарши ҳамиша қатъий кураш олиб борган эдилар.

Марксча-ленинча назарияни ижодий ўрганиш жамият ҳаётидаги ҳамма янги ҳодисаларни пухта ўрганишни талаб қилади. Акс ҳолда умуман халқаро ишчилар ҳаракатининг ҳам, унинг айрим миллий отрядларининг ҳам ҳозирги моментдаги объектив вазифаларига жавоб берадиган ҳамда ишчилар синфи вазифаларининг максимал даражада амалга оширилишини таъминлайдиган тактикасини ишлаб чиқиш мумкин эмас.

Революцион марксизмнинг маъноси илмий коммунизм назариясининг асосий принципларини янада ривожлантириш, бу принципларни у ёки бу мамлакатдаги конкрет тарихий шароитларда тўғри, моҳирлик билан татбиқ этиш демакдир. Бироқ жаҳон коммунистик ҳаракатининг айрим миллий отрядлари ҳаракат қилишга тўғри келадиган вазият ҳар қанча ўзига хос бўлса ҳам, уларнинг кураши марксчи-ленинчи партияларнинг бирлиги асосида, Маркс майдонга ташлаган: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган улуғвор шиорга садоқат асосидагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Бирликни мустаҳкамлаш — социалистик лагерь мамлакатларидаги ва бутун дунё мамлакатларидаги коммунистларнинг умумий душман — империализм устидан бир мақсад йўлида — коммунизм қуриш йўлида бундан буён эришадиган ғалабаларнинг гаровидир.

Маркс ишчилар ҳаракати эндигина мустақил йўлга чиқиб олаётган даврда яшаган ва ишлаган эди. Маркс Ишчиларнинг Халқаро Шеркати бўлган Биринчи Интернационалдаги ўз фаолияти билан пролетар партияларини барпо этиш учун замин тайёрлаган эди. Бундай партияларнинг ғалаба қозониши ўз ҳаёт бўлган вақтда вужудга келмоқда эди. Унга ўз таълимотининг бутун дунё бўйлаб голибона қадам ташлаб борганлигини кўриш насиб бўлмади. Лекин Маркс томонидан яратилган, Ленин томонидан ижодий тарзда ривожлантирилган коммунизм қуриш тўғрисидаги фан дунёдаги биринчи социализм мамлакатининг буюк муваффақиятларида, тарихий XXII съезд қабул қилган КПСС Программасида, бутун социалистик лагерь, жаҳон коммунистик ҳаракати ишларида ва ғалабаларида яшамоқда. Марксизм-ленинизм кучи енгилмасдир!

Б. ТАРТАКОВСКИЙ,
КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг старший илмий ходими.



Чимбойдаги «Узводстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг бешинчи разрядли слесари Ибрагим Байтереков «С-80» тракторининг икки дизель моторини ремонт қилиб бериш мажбуриятини олди.

Суратда: И. Байтереков «С-80» трактори-нинг мотори ремонтини тамомламоқда.

Р. Саидов фотоси.

ПИЛЛАЧИЛАР АҲДИ

Машҳур пиллачи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тожихон Каримова раислик қилаётган Киров номли колхоз пилладан ҳар йили муттасил мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Колхоз етти йилликнинг тўрт йили ичида давлатга планга қўшимча 26,5 тонна пилла топширди. Бу қимматли хом ашёни етиштиришда ўтган йили хўжалик етти йиллигининг охирги йилига мўлжалланган даражага эришди. Шу билан бирга маҳсулот таннархи тўрт йил ичида 18 сўм 70 тийин арзонлашди.

Колхоз пиллачилари Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармаси пиллачиларининг мактубини муҳокама қилиб, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Зайнаб Шокирова, Шарофат Исаева, Ҳадича Қозоқова ўртоқлар бошлиқ пиллачилик бригадалари қуртни жадал усулда боқиб, бу ишни 21-22 кун ичида тугаллаш ва ҳар қути уруғидан 85 килограммдан пилла етиштиришга аҳд қилдилар.

Колхоз раиси Тожихон Каримованинг ўзи 3 қути қурт уруғидан 345 килограмм, звено бошлиқлари М. Нуъмонова, А. Умарова, Қ. Исмоилова, М. Камолова, К. Эркабоева ва бошқа ўртоқлар 100 килограммдан пилла етиштириш мажбуриятини олдилар.

Колхоз етти йилликнинг бешинчи йилида 873 қути ўрнига 900 қути ипак қуртини парвариш қилиб, ҳар қутисидан 75 килограммдан пилла олади. Олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида зарур тадбирлар кўрилмоқда. Бу ерда 15 пиллачилик бригадаси ва 300 звено тузилди. Энг тажрибали пиллачилар звено бошлиғи қилиб тайинланди. Бригада бошлиқлари махсус курсларда ўқитилди. Колхозда ташкил этилган илғор тажриба мактабида звено бошлиқлари таълим олмоқда.

Баргни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида тутзорлар ва тут дарахтлари парвариш қилинмоқда, сугорилмоқда ва ўғит солинмоқда.

Ипак қуртини жамоат биноларида боқиш баргни тежаб-тергаб сарфлаш ва пилла таннархини арзонлатишнинг энг тўғри йўли эканлигини тажрибада синаб кўрилган. Бу йил жамоат биноларида 100 қути қурт боқиш, янги қуртхоналар қуриш планлаштирилди.

Пиллачиларнинг меҳнатига қўшимча ҳақ тўлаш — ҳосилни кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бунда ҳосил миқдори ва сифатига эътибор берилади. Звено бошлиқлари етиштирилган ҳосилдан тушадиган даромаднинг 3 процентини миқдорида, қуртни жадал усулда боққан пиллачиларга ҳар қути уруғ ҳисобига 2 сўмдан қўшимча ҳақ тўланади.

Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхоз пиллачилари область колхозчиларини, совхоз ишчиларини ва ипакчилик мутахассисларини она-Ватанга мумкин қадар кўпроқ қимматли хом ашё — пилла етказиб беришга чақириб, мактуб қабул қилдилар. Фарғона қишлоқ область партия комитети колхоз пиллачиларининг мактубини маъқуллади ва ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларига, колхоз раислари ва совхоз директорларига, қолхоз, совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига Киров номли колхоз аъзоларининг мактубини кенг муҳокама қилишни, пилладан мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақани авж олдиришни топширди.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
И. ТУХТАСИНОВ,
«Қизил Узбекистон» мухбирлари.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ГЎНГ-ТУПРОҚ КОМПОСТИНИ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАШ КЕРАК

Яқинда Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигида олимларнинг, ишлаб чиқариш бошқармалари агрономларининг, хўжалик раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда бошқа масалалар билан бир қаторда гўнг-тупроқ компости тайёрлаш масаласи ҳам кенг муҳокама қилинди. Кенгаш бу соҳада зарур тадбирларни белгилади. Шу муносабат билан олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари колхоз ва совхозларга қуйидаги маслаҳатларни тавсия этдилар.

Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия ва бошқа республикаларнинг кўпгина колхоз ва совхозларида ҳар йили жуда кўп миқдорда гўнг-тупроқ ва гўнг-торф компостлари тайёрланиб шунинг ҳисобига ўғитланадиган майдонлар анча кенгайтирилмоқда.

Гўнг, суперфосфатга тупроқ аралаштирилиб, тайёрланган компостда микроорганизмлар анча тез ривожланади ва унда ўсимлик учун зарур бўлган озуқа моддалари миқдори ошади. Компост қилинмаган ўғитга қараганда, компост қилинган ўғит билан анча кўп майдонларни ўғитлаш мумкин.

Гўнг-тупроқ компостида микроорганизмларнинг жуда кўп турлари ривожланади. Бу микроорганизмлар ўзидан фермент моддаларини ажратади, натижада компостда ўсимлик учун зарур бўлган органик ва минерал моддалар ажралиб чиқади. Компост солинган майдонларда гўнг солинган ерлардагига нисбатан бегона ўтлар анча кам ўсади, дала ифлосланмайди. Бир қисм гўнг ва икки қисм тупроқ аралаштириб тайёрланган ўн тонна гўнг-тупроқ компости ўзининг ўсимликка таъсири жиҳатидан ўн тонна гўнгга тенг келади. Бинобарин, гўнг-тупроқ компостидан фойдаланиш натижасида оз миқдордаги ўғит билан катта майдонларни озиқлантириш мумкин бўлади. Гўнг-тупроқ компостининг сифати, кучи унга аралаштирилиган тупроқнинг хоссасига ва ўғитларнинг составига ҳамда тайёрлаш усулларига боғлиқдир.

Гўнг-тупроқ компости далаларнинг четларидаги майдончаларда тайёрланади. Кўп йиллик ўтлар экилган ерлар, ўтлоқлар, дуккакли экинлар майдони, молхоналар атрофидаги жойлар компост тайёрлаш учун жуда қулайдир. Бундай майдончалар бўлмаган ҳар қандай компост тайёрлаш учун кўпдан буён ҳайдалиб келинаётган майдонларни танлаш мумкин.

Молхоналар олдида компост тайёрлаганда яқин атрофдаги ўғитланиши керак бўлган экин майдонларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Узоқдаги далаларни ўғитлаш учун эса гўнг-тупроқ компостини ўша жойнинг ўзида тайёрлаш, бунинг учун гўнг, «шарват», торф ва минерал ўғитларни ўша жойларга ташиб чиқариш маъқул.

Компост тайёрлашда қуйидаги ҳисоб-китобдан фойдаланиш мумкин.

Масалан, 1 гектар ерни ўғитлаш учун 25 квадратметр жойда компост тайёрланади. Бунинг учун 2,3-3,3 тонна гўнг, 100 килограмм суперфосфат, 1 кубометр шуптир, 2 бутилка азот бактеринаси керак. Бундан 10 тонна гўнг-тупроқ компости тайёрланади.

Бир гектар майдоннинг ўндан бир қисмидаги жойдан 350-400 тонна компост олиш мумкин. Ўғитланадиган майдон ва ерга солинадиган компост миқдорини ҳисобга олиб, компост тайёрланадиган майдончаларнинг ҳажмини белгилаш жуда осондир.

Гўнг-тупроқ компостини унча катта бўлмаган майдончаларда тайёрлаш керак. Токи ҳар бир майдончадаги компост билан 20-25 гектар майдонни ўғитлаш мумкин бўлсин. Масалан, 100 гектар майдонни ўғитлаш учун тўрт жойда компост тайёрлайдиган майдончалар бўлади. Бунинг афзаллик томонлари кўп. Кичик майдонларда компост тез тайёрланади, энг муҳими — уни ташиш учун кўп транспорт воситаларн талаб қилинмайди.

Гўнг-тупроқ компостини тайёрлаш унча кийин эмас. Компост тайёрлашга мўлжалланган майдонча (бир гектарнинг тўртдан бир қисми) олдин 15-20 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Сўнг у майдонларга 250-330 тонна гўнг, 10 тонна суперфосфат солинади. Бу ўғитлар солинган майдонлар 20-25 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Компост тайёрлаш пайтида унинг ҳар ўн тоннаси ҳисобига бир бутилкадан азот бактеринаси солинса, яхши бўлади.

Торф кўп бўлган районлар ва хўжаликларда гўнг-торф-тупроқ компости тайёрлаш керак. Бу гўнг-тупроқ компостларини ташишга банд бўлган транспорт воситалари бажарадиган ишлар ҳажмини икки баравар камайтириш имконини беради.

Лекин торфнинг ёлғиз ўзи гўнгнинг ўрнини боса олмайди. Чунки унда компост тайёрлаш учун зарур бўлган ачитқи бактериялари жуда оз миқдорда бўлади. Бир тонна гўнг ўрнига икки тонна торф ишлатса бўлади. Янги қазиб олинган нам торф олдин яхшилаб қуритилади. Бунинг учун торф шамол эсадиган майдонларга тўкиб қўйилиб, 4-5 кундан кейин гўнг билан аралаштирилади.

Ҳайдалган ерлардаги тупроқ гўнгга яхши аралашиб кетиши учун бу ерлар чизелланади. Агар имконият бўлса, компост тайёрланаётган ернинг устига ҳар 10-15 кунда суюқ шуптир тўкиш ёки «шарват» бериш ва у ерларни чизеллаб туриш керак.

Шундан сўнг компост тайёрланаётган майдонча ҳар 10-15 кунда ўғит тушган чуқурликкача юмшатилиб турилади. То компост етилгунча 2-3 марта юмшатилади. Агар шундай қилинмаса, компост қилинаётган тупроқ қатламлари заранглашиб кетиб, ўғит ва бошқа моддалар бир-бирига аралашмасдан қотиб қолади. Бунинг оқибатида тупроқ ўғитга аралашиб кетмасдан, тупроқ ҳолича қолади.

Компост қилинаётган моддаларда фойдали микробларнинг нормал ривожланиши ва бегона ўтлар уруғининг тўла униб чиқиши учун унга ҳаво ва маълум миқдорда намлик керак. Шу сабабли компост тайёрланаётган майдонча доим нам ҳолда бўлиши ва у ердаги тупроқ юмшатилиб турилиши зарур. Бунга қанчалик қатъий риоя қилинса, компост шунчалик тез етилади ва у бегона ўтлар уруғидан холис бўлади. Ёз пайтларида эса компостни икки-уч марта сугориш керак.

Чала чиритилган гўнгдан тайёрланаётган компост ёз пайтларида бир-бир ярим ойда, сомон аралаш гўнгдан тайёрланаётган компост эса бир ярим-икки ойда етилади. Етилган компост донадор, қорамагиз тупроққа ўхшайди. Унинг таркибида чиримай қолган гўнг, сомон бўлмаслиги керак.


Компост етилгандан кейин у бульдозер билан сурилади. Гўнг-тупроқ компостида микробиологик ва агрохимик процесслар энг ривожланган бир пайтда у далаларга солинади.

Компост далаларга бир меъёрда сочилади ва ўғит солинган бу майдонлар дарҳол ҳайдаб юборилади. Пахта майдонларининг ҳар гектарига 10-15 тоннадан компост солиш тавсия этилади. Компост тайёрланган майдончалардаги ўғит йиғиштириб олингач, у ерлар плуг билан юмшатилиб, культивация қилинади ва шундан кейин у ерларга ҳам чигит экилади.

Гўнг, торф, суперфосфат ва бошқа ўғитларни компост тайёрланадиган майдончага келтиришга «РПТ-2», «РПТМ-2» аппаратлари ёки «ТУП-3» прицеплари тиркалган универсал тракторлардан фойдаланиш мумкин. Тайёрланган компостни далаларга чиқариб сочишда ҳам ана шу машиналардан фойдаланилади. Юк автомашиналарини ҳам бу ишга мослаштириш мумкин. Компост тайёрлаш, уни ташиш ва далаларга сочишда механизациядан кенг фойдаланиш чораларини кўриш керак.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаларига таяниб, колхоз ва совхозларда компост тайёрлайдиган махсус бригадалар тузиш ва уларни барча зарур машиналар билан таъминлаш керак. Далага гўнг ташиб чиқариш қизғин тус олиб кетган пайтларда бу ишга бошқа колхозчиларни ҳам жалб этса ёмон бўлмайди.

Кўп миқдорда ўғит тўплаш ва уни тўғри сақлаш, ҳар хил компостлар тайёрлаб ундан рационал фойдаланиш — пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кескин ошириш имконини беради.



Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз пахтакорлари чигит экишга катта тайёргарлик кўрмоқдалар. 14 сеялканинг ҳаммаси сифатли ремонт қилинди. Механизаторлар бошқа турдаги қишлоқ хўжалик машиналарини ҳам тез кунда ремонтдан чиқариш учун ғайрат билан ишламоқдалар. Суратда: (чапдан) механизатор Тожибой ТЎЛАГАНОВ ва механик Қўчқор ИБРОҲИМОВ ўртоқлар ремонтдан чиққан сеялкаларни текшириб кўрмоқдалар.

С. Сайфутдинов фотоси.

ЯХШИ ТАРАДДУД

Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг пахтакорлари устьлабинскликлар чақириғи ва янгийўлликлар ташаббусини маъқуллаб, етти йилликнинг бешинчи йилида ўтган йилдагидан 245 тонна кўп — 6700 тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олишга аҳд қилдилар. Улар ана шу мажбуриятларига яраша астойдил меҳнат қилмоқдалар. 17.500 тонна маҳаллий ўғит гўнгхоналарда чиритилмоқда. 900 гектар шўрхок ернинг ҳаммаси яхшилаб ювилди. Ер ости суви чуқур бўлган 1.100 гектар ерга яхоб берилди. Ариқзовурлардан 23 минг кубометр ҳажмида тупроқ қазиб чиқарилди. 55 та «универсал», 40 та сеялка дала ишларига тахт қилиб қўйилди. Ҳозир пахта майдонлари текисланмоқда.

Колхознинг Отахон Ғозибоев, Тошпўлат Собиров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нуриддин Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида чигит экишга айниқса яхши тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳар гектар ердан ўтган йилдагига нисбатан 5 центнер кўп «оқ олтин» етиштириш учун курашаётган Тошпўлат Собиров бошлиқ бригадада шудгорни юмшатишга киришилди. Бу ишда чизеллардан, бороналардан ва бошқа механизмлардан яхши фойдаланилаётир. Нуриддин Абдуллаев бошлиқ бригадада ҳам бороналаш бошлаб юборилди. Бригада тракторчиси Собир Сиддиқов тупроқни юмшатишда фидокорона меҳнат қилмоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг мухбирлар пости бошлиғи.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ—ОЛИЙ МАҚСАД

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА...

Совет қишлари партиямиз XXII съезди Программасини амалга ошириш учун ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар эришилган муваффақиятлардан ҳақли суратда фахрланиш билан коммунизм сари қилаётган илдам ҳаракатимизга халқит бераётган камчиликлардан, турмушимизда учраётган нуқсонлардан раҳимсиз-дадлар. Мухбирларимиз шу ҳақда редакцияга ўз мулоҳазаларини ёзиб юбормоқдалар.

ОБОДОНЧИЛИК

Бугун Кўсам қишлоғига келган киши уни шаҳарча деб ўйлайди. Бир маҳаллардаги тор кўчалар, кўримсиз уйлар ўрнида равон асфальт йўллар, шинам уй-жой бинолари бунёдга келди. Кейинги тўрт йил ичида 400 га яқин хўжалик янги уйга кўчиб кирди. Клуб, туғруқхона, 4 та медицина пункти, 6 магазин, 2 новвойхона, 3 ошхона, мактаб-интернат ва бошқа биноларни қурилди. Шаҳрисабзлик мухбиримиз Мўмин Қодиров бу ҳақда фахр билан ёзади.

— «Бойсун» гўшт-сутчилик совхози Шеробод ишлаб чиқариш бошқармасидагина эмас, балки Сурхондарё областида энг йирик хўжаликдир. Ўтган йили бу хўжаликда 145 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилган эди. Бу йил қурилиш ҳажми икки баравар кўпайтирилади, шу мақсад учун 304 минг сўм маблағ ажратилди. Прораб Габбосов бошчилик қилаётган қурувчилар янги йилда мўлжалланган чорва бинолари қуришни бошлаб юбордилар,— деб хабар беради газетхон Нурулла Муродов.

ҚИШЛОҚ ҲУСНИГА ДОҒ

Ҳозирги фаровон гурмушимизни радио, телефон ва электрсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин айрим колхоз-совхоз қишлоқлари шу пайтгача Ильич нурлари билан ёритилмаган. Бунга баъзи раҳбарларнинг бепамлиги, ишга совуқ-қонлик билан қараши сабаб бўлаётир.

Газетхон Я. Турмуҳаммедовнинг ёзишича, Ғиждувон районидаги Ленин номли колхоз маркази билан Куйбишев, Охунбобоев участкалари орасида телефон алоқаси йўқ. Район алоқа бўлими ва колхоз раҳбарлари аҳолининг бу ҳақдаги талабига бефарқ қараб келмоқдалар.

Учқўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхоз хонадонларини электрлаштириш учун 1961 йилда Андижондаги 1-қурилиш-монтаж бошқармаси билан шартнома тузилган эди. Бошқарма симёғочларни ўрнатиб, сим тортди-ю, ишлар тўхтаб қолди. Бошқарма ҳисобида колхознинг 15700 сўм пули чўкиб турибди. Аммо бошқарма раҳбари ўртоқ Дружинин ишни тезлатишни эсига ҳам келтирмаяпти. Бу тўғрида С. Насриддинов, Н. Каримов, М. Асқаровлар ёзиб юборишган.

Бундай аҳволни Янгиқўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Заркент» боғдорчилик совхозида ҳам кўриш мумкин,— деб ёзишади Заркент посёлкасидаги 37-мактаб ўқитувчилари Собиржон Мирзаев, Раҳмонхўжа Тўраҳўжаев.

ИЎЛИНГИЗ РАВОН БЎЛСА, ИШИНГИЗ УНУМЛИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўтган сессиясида йўл қурилишини янада яхшилаш масаласи муҳокама қилинди. Аммо айрим алоқадор ташкилотлар ва раҳбарлар бу муҳим ишга ҳамон юзаки қарамоқдалар.

Самарқандлик А. Равшанов ўз хатини бундай бошлаган: «Бахмал —муздек бўлоқлар, зилол сувлар, қип-қизил лолалар, мевазор боғлар, соф ҳаволи тоғлар билан ўралган яшил воҳа. Лекин Бахмалга автобус қатнамайди, натижада йўлда уч қунлаб қолиб кетишга тўғри келади.

Баъзи йўллар ремонт қилинмаган, ёзда чанг, қишда лой. Сирдарё область, Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз билан район маркази, «Гулбог» совхози, Заркент посёлкалари билан Янгиқўрғон район маркази оралиғидаги йўл, Яйпан —Рапқон йўли, Избоскан районидаги 8-пахтачилик совхози маркази билан унинг бўлимлари, Ленинград райони маркази билан Ҳамза Ҳакимзода номли совхозни боғлайдиган йўллар худди ана шундай.

Бу ҳақда Янгиқўрғондан пенсионер Т. Сулаймонов, кўп болали она О. Холматова, ўқитувчи Н. Ёқубқонов, Сирдарё областидан ўқитувчи И. Худойбердиев, фарғоналик студентлар А. Исмоилов, Н. Охунжонов, Фарғона область, Киров районидаги «Ўзбекистон» колхозидан А. Халилов, избосканлик ўқитувчи У. Темиров, Ҳ. Ҳакимзода номли совхоз ишчилари Қувончиев, Ҳатамов, Жўраев, Маматқулов, Фозилов ва бошқа ўртоқлар ёзиб юборганлар.

Республикамиз маркази Тошкент тобора кўркам бўлиб бормоқда. Бироқ шаҳарнинг айрим жойларидаги аҳвол кишини ниҳоятда ранжитади. Айрим кўчалар ремонтсиз ётибди, натижада машиналар катнови қийинлашяпти. Бу аҳволни Большевик кўчасидаги Открытий проезди, Қизил кўча, Шелковичная кўчасида кўриш мумкин. Бу ҳақда газетхонлардан М. Ғуломова, шахсий пенсионер А. Тўлаганхўжаев, Будилова ўртоқлар ёзиб юборганлар.

Тошкент — Оққўрғон маршрутида автобуслар график бўйича қатнамайди. Бу ҳақда газетхонлар П. Деҳқонов, М. Сулаймонов, З. Султонов ўртоқлар хабар қилганлар.

Чустлик М. Ҳакимов, фарғоналик Ш. Воҳидов, тошкентлик М. Султонов, А. Тожиев ўртоқлар ўз хатларида магазинларда чинни буюмлар камлигини, дўконларда қоғоз пакетлар топилмаслигини, Ўзбекистон трактор йиғув заводида кутубхона ҳамда ўқув зали йўқлиги сабабли беш мингдан ортиқ китоб ёруғ кўрмай чанг босиб ётганлигини танқид қиладилар.

Меҳнаткашларга алоқа, йўл-транспорт, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, бу соҳадаги камчилик ва нуқсонларни дарҳол тугатиш керак. Аҳоли эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш — маданий-маиший муассасалар коллективларининг муқаддас бурчидир.



Мухбирлар СИГНАЛИ

КЛУБЛАР «ХЎЖА КЎРСИН»ГАМИ?

Колхозимиз Денов районидаги йирик хўжаликлардан бири. Пахтачилик, чорвачилик, богдорчилик ва бошқа соҳалардан ҳар йили бир неча миллион сўмлаб даромад олмоқдамиз. Даромаднинг катта қисми қишлоқ ободончилигига, колхозчиларнинг маданий-маиший шароитини яхшилашга сарфланмоқда. Колхозда 800 кишилик қишки клуб, 5 та ёзги клуб, 5 та кутубхона бор. Бу бинолар колхозчиларнинг ҳалол меҳнати туфайли олинган даромадлар ҳисобига қурилган. Унга бир неча ўн минг сўм маблағ сарфланган.

Афсуски, колхозчиларимиз ана шу клуб ва кутубхоналардан баҳраманд бўлмаётирлар. Колхоз раҳбарлари (раиси Едгоров, партия комитетининг секретари Муродов ўртоқлар) меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари тўғрисида қайғирмаётирлар. Клуб ва кутубхоналарнинг эшигида катта қулф осиғлиқ. Улар 5-6 ойдан буён очилмайди.

Колхознинг «Октябрь», «Ўзбекистон», «Қорахон», «Тарахли», «Чунтай» участкаларида аҳолига ўн ойдан буён бирор марта ҳам кино кўрсатилгани йўқ. «Октябрь» участкасида анча маблағ сарфланиб катта клуб биноси қурилди. Лекин қурилгандан бери бу бинонинг эшигидан қулф тушгани йўқ. На кино, на концерт кўрсатилади бу ерда.

Ажаб, минг-минглаб сўм маблағ сарфланиб қурилган бу бинолар фақат «хўжа кўрсин» учунми?!

Х. ҚУРБОНОВ,
Денов районидаги Генерал Раҳимов номли колхоз аъзоси.

ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН ҚУРИЛИШЛАР

1957 йил собиқ Ильич. ҳозирги Қўрғонтепа районига жойлашган Султонобод қишлоғида ошхона ва чойхона биноси қуришга киришилди. Дастлаб ҳаракат анча яхши бўлди. Қурилиш материаллари кетма-кет келтирилди. Бундан механизаторлар гоят хурсанд бўлган эдилар. Нима бўлди-ю, кейинги йилларда қурилиш суръати пасайиб кетди. Район матлубот жамиятининг раиси Ғ. Обидов ва қурилиш бошлиғи Ж. Ғойибназаров ўртоқлар қурилишга кам эътибор берадиган бўлиб қолдилар.

Мана орадан 6 йилга яқин вақт ўтди. Туя гўшти еган бу бинолар ҳали ҳам битказилмай ётибди.

Давлатнинг салкам 200 минг сўм маблағи сарфланган бу бинолар қачон битказилади-ю, меҳнаткашлар ошхона ва чойхона билан қачон таъмин этилади?

Ж. ҚОСИМОВ.

ШУ ҲАМ ҒАМХЎРЛИКМИ?

Касалхоналарда беморларга ғамхўрлик ниҳоятда яхши эканлигини биламиз. Озода, кенг, ёруғ хоналарда шифо топаётган беморларга ғамхўр врачларимиз парвона бўлишади.

Аммо, ТашМИдаги иккинчи хирургия бўлимига қадам ранжида қилсангиз, асабингиз бузилади, тартибсизликларни кўриб бўғиласиз.

Бўлим доимо ифлос бўлади, поллар вақтида ювилмайди. Бунинг устига, ҳамшира Л. Романова беморларни жеркиб ташлайди, белгиланган дорини вақтида бермайди.

Биз 9, 11, 12 палаталарда ҳам бўлдик. Бу ерда кийимлар, простиналар вақтида алмаштирилмас экан. Шу ҳам беморларга ғамхўрлик бўлдими?

А. РАҲИМОВ.

ЮЛҒИЧ ПОЧТАЛЬОН

Биз Самарқанд шаҳридаги 1-алоқа бўлими мудири Ўртоқ Алаевга неча марта хат ёзиб, пенсия пулларини почтальон Ўринбоев орқали юбормасликни илтимос қилдик. Бироқ ўртоқ Алаев бу талабимизни негадир қондирмаяпти.

Гап шундаки, бизнинг ўз почтальонимиз тургани ҳолда бошқа участканинг почтальони Ўринбоевни юбораётган алоқа бўлими мудири Ўртоқ Алаев унинг пенсия пулимизнинг бир қисмини «хизмат ҳақи» деб олиб қолаётганини билмай иложи йўқ. Бунинг устига почтальон Ўринбоев пенсия пулларини ҳафталаб кечиктириб тарқатади.

Н. ИСМАТОВ, К. АМИНОВА, М. УСМОНОВА ва бошқалар.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА БОСИЛГАНЛАРГА КЕЙИНИ

«БУХОРО БОШҚАРМАСИДА АҲВОЛ ЯНА ТАШВИШЛИ»

Бухоро ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли колхозлар ва «Когон» совхози ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмай, давлатдан қарздор бўлиб қолди. Район раҳбарлари бу ачиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқармаётганликлари, бу йил ҳам кўпгина колхозларда мўл ҳосил учун пухта замин яратилишига етарли эътибор берилмаётгани шу сарлавҳа остида босилган мақолада танқид қилинган эди.

Бу ҳақда Бухоро ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари ўртоқ А. Давидяндан қуйидаги жавоб хат олинди:

Газета сигнали бўйича бошқармадаги колхозларда текшириш ўтказилди. Кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди. Текшириш якуни бошқарма партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди. Ишни пайсалга солиб қўйган «Янги турмуш» ва «Ленинград» колхоз раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилди. Мелиорация ишларида катта камчиликларга йўл қўйган «Пахтакор», «Маданият», Фрунзе номли ва «Правда» колхозларида бирмунча амалий ишлар қилинди. Далада ишлаётганлар учун маданий-маиший шароит яратиш чоралари кўрилди. Шу кунларда чигит экишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

«СИФАТМИ, САФСАТАМИ»


Шу сарлавҳа остида босилган фельетонда «Химчистка» фабрикасининг брак маҳсулот ишлаб чиқараётгани танқид қилинган эди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ижроия комитетининг аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва «Химчистка» фабрикаси раҳбарларидан жавоб хатлари олинди. Газета танқиди фабрика коллективида муҳокама қилинган. Брак маҳсулот чиқаришга йўл қўйгани учун цех мастери Вильго вазифасидан бўшатилган.

Самарқанд ветеринария-бактереология лабораториясининг коллективи ўтган йили ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирувчи 200 минг биостимуляр дозасини тайёрлади. Бу препарат қорамолларнинг турли касалликларга чидамлилигини кучайтиради ва унинг маҳсулдорлигини оширади. СУРАТДА: лабораториянинг илмий ходими Х. АМИНОВ иш устида.

А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТАСС АХБОРОТИ

Франция учун кўмир ташувчи ҳамма мамлакатларнинг кемаларига нисбатан порт ишчилари эълон қилган бойкот натижасида фавқулодда вазият вужудга келди. Шу муносабат билан СССР Министрлар Совети Бутуниттифоқ бирлашмаси «Союзпромэкспорт»нинг Францияга кўмир етказиб бериш юзасидан мажбуриятларининг бажарилишини порт ишчилари эълон қилган бойкот муддатига мораторий эълон қилиш ҳамда мораторийни СССР денгиз портлари ва темир йўлларига жорий этишга қарор қилди.



8-11 йиллик умумий таълим-политехника мактабларининг бу экспериментал лойиҳасини РСФСР Госстройининг давлат бош лойиҳа институти — «Гипропрос» ходимлари — архитекторлардан Л. Г. Газеров, К. Д. Френкель ва инженер-конструктор В. А. Моргулец ўртоқлар яратдилар.

2 минг ўқувчига мўлжалланган бундай мактаб аҳолиси 12 минг кишилик микрорайон учун мўлжалланади. Лойиҳа бир-бири билан боғланган 3 корпус комплексидан иборат. 2 корпус ўқув корпуслари бўлиб, улардан бирида бошланғич синфлар, иккинчисида эса юқори синф ўқувчилари ўқийдилар. Учинчи корпусда мажлислар зали ва икки спорт зали, 400-450 ўринли кинолекторий, ошхона бўлади.

Учала бино ҳам заводда тайёрланган каркас — панель конструкцияларидан қилинган майдончада монтаж қилинади. Бинонинг ички пардозлари учун пластика, ойна блоклари ва бошқа янги қурилиш материалларидан кенг фойдаланилади.

Бу лойиҳанинг афзаллиги мавжуд лойиҳалардан анча арзонга тушишидадир. Янгма конструкциялардан фойдаланиш ва бино қурилишини тўла механизациялаш натижасида бинони тезда қуриш мумкин.

Н. Грановский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА СОЦИАЛ-ТАЪМИНОТ

Япония пойтахти — Токиода Халқаро социал-таъминот ассоциацияси (МАСО)нинг Осиё ва Океания мамлакатларида социал-таъминот ишларининг қўйилиш масалаларига бағишланган биринчи регионал конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияга Совет Иттифоқидан РСФСР социал-таъминот министри Л. П. Линкова, Тожикистон ССР социал-таъминот министри А. Р. Раҳимова, Узбекистон ССР социал-таъминот министри В. С. Содиқова ўртоқлар ҳам қатнашдилар.

Қуйида шу конференция ҳақидаги материал босилди.

В. С. СОДИҚОВА,
Ўзбекистон ССР Социал-таъминот министри

□ □

Халқаро социал-таъминот уюшмаси 1927 йилда ташкил топган. У ўз олдига жаҳон меҳнаткашларининг социал-таъминот масалалари билан шуғулланувчи муассаса ва ташкилотлари ўртасида алоқа ўрнатиш, социал-таъминотни янада ривожлантиришга қаратилган ҳамма кучларни бирлаштириш вазифасини қўйган.

Ҳозирги пайтда Халқаро социал-таъминот ассоциацияси жаҳоннинг 82 мамлакатидан 180 дан ортиқ аъзосини бирлаштиради, унга Совет Иттифоқидан РСФСР Социал-таъминот министрлигининг вакили ҳам киради.

Халқаро социал-таъминот ассоциациясининг Токио шаҳрида ўтказилган конференциясида Бирма, Исроил, Ҳиндистон, Эрон, СССР, Туркия, Филиппин, Япония, Бруней ва Малайя мамлакатларининг вакиллари иштирок этди. Олти кун давом этган бу конференцияда Осиё мамлакатларида социал-таъминотнинг аҳволи, социал-таъминотни бошқариш проблемалари, страхование қилинган кишиларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, ишлаб чиқаришда бахтсизликка дучор бўлганлар учун корхона эгалари жавобгарлиги тартибидан страхование тартибига ўтиш ва бошқа бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

Муҳокама давомида конференция қатнашчилари Совет Иттифоқида социал-таъминот ишларининг қўйилиши билан астойдил қизиқдилар. Шунинг учун ҳам РСФСР, Ўзбекистон ва Тожикистон ССР вакилларининг докладлари катта эътибор билан тингланди. Конференция давомида делегатлар ўзаро ҳамжиҳат ва дўстона муносабатда бўлиб, кенг ва атрофлича фикр олишиш имкониятига эга бўлдилар.

Капиталистик муносабатлар ҳукм сураётган ва ҳокимият тепасида саноатчилар, помешчиклар турган мамлакатлардаги меҳнаткаш халқнинг социал-таъминоти биз Совет Иттифоқи вакилларида оғир таассурот қолдирди, айни пайтда совет кишиларига кўрсатилаётган социал-таъминот хизмати соҳасида эришилган ютуқлар билан чет мамлакатлардаги аҳволни таққослаб кўриб, бизнинг социал-таъминотнинг халқ учун хизмат қилишини, халқпарварлигини ҳис этганимизда қалбимиз қувонч ва ғурур билан тўлиб-тошди.

Масалан, Японияда социал-таъминот ишлари ғоят мураккаб ташкил этилган. Бу ерда пенсия таъминоти икки системага бўлинади ва ёлланиб ишловчилар, хизматчилар, чиновникларнинг айрим табақалари бўйича страхование қилишнинг кўп турлари мавжуд: касаллик юзасидан страхование қилувчи 1000 га яқин жамият иш олиб боради.

Айрим мамлакатларда эса масалан, Исроил давлатида умумий инвалидлик бўйича пенсия берилмайди, Жанубий Вьетнамда эса қариялар, инвалидлар ва боқувсиз қолган кишилар учун страхование юргизилмайди. Туркия қонунларида меҳнатда майиб бўлган инвалидларга пенсия имтиёзлари бериш кўрсатилмаган. Филиппинда, Жанубий Вьетнамда оналик страхованиеси йўқ. Исроилда касаллик бўйича миллий страхование жорий қилинмаган. Ҳиндистонда ҳозиргача қарилик пенсияси ўрнига, ўзи-ни-ўзи страхование қилдириб, тўлаб келинган страхование бадали миқдорида бир йўла нафақа олиш қоидаси мавжуд.

Бу мамлакатларда ёлланиб меҳнат қилувчи кишиларни мажбурий страхование қилиш ҳақида қонун чиқарилган. Лекин бундай мажбурий страхование халқ хўжалигининг барча тармоқларида, ёлланма меҳнат қилувчиларнинг ҳаммасига ҳам тааллуқли эмас. Масалан, Филиппин, Туркия, Ҳиндистон ва Бирмада 5-10 ва ундан кам киши ишлайдиган майда корхона ва савдо муассасаларида страхование жорий қилинмайди.

Шундай қилиб, заводчилар, савдогарлар ва бошқа хўжайинлар томонидан эксплуатация қилинувчи минглаб-меҳнаткаш ишлаш қобилиятини йўқотганида моддий таъминотсиз қолади.

Социал страхование ва социал-таъминотни маблағ билан қоплаш манбалари масаласида ҳам бизнинг давлатимиз билан Осиё мамлакатлари ўртасида муҳим принципиал тафовутлар бор. СССР Олий Совети 1956 йилда қабул қилган Давлат пенсияси ҳақидаги Қонунда пенсия харажатлари Давлат бюджети ва давлат социал страхованиеси маблағлари ҳисобига давлат томонидан тўла таъминланиши белгиланган. Қонунда алоҳида таъкидлаб ўтиладики, шу мақсадлар учун маблағларнинг меҳнаткашларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинишига қатъиян йўл қўйилмайди ва аксинча, давлат социал страхованиеси маблағлари корхона, муассаса, ташкилотлар бюджетидан тўланиб туриладиган маблағлардан ташкил топади.

Колхозчилар эса колхозларнинг ўзаро ёрдам кассаси маблағлари ҳисобидан пенсия оладилар. Шундай қилиб, бизнинг мамлакатимизда меҳнаткашлар ўзларининг иш ҳақларидан ҳеч қандай маблағ ажратмайдилар.

Япония, Филиппин, Ҳиндистон ва Бирма мамлакатларида ёлланиб ишловчи кишилар икки марта — қарилик ва меҳнатга лаёқатсизлик страхованиеси бўйича ҳамда касаллик ва оналик страхованиеси бўйича страхование қилинишлари шарт. Ҳар иккала ҳолда ҳам алоҳида-алоҳида страхование бадаллари тўлаб турилади. Масалан, Япония меҳнаткашлари пенсия системаси бўйича иш ҳақидан 1,75—2,10 процент ва касалликни страхование қилдириш учун иш ҳақидан 3,0—3,25 процент тўлаб туришлари керак. Соғлиқни сақлаш учун алоҳида муниципал солиқ тўланади.

Осиёдаги айрим мамлакатларда страхование харажатларининг бир қисмини давлат ўз зиммасига олади. Бу «қисм» нимадан иборат эканлигини қуйидаги мисоллардан билиб олиш мумкин. Масалан, Японияда давлатдан бериладиган ёрдам пенсия таъминотига бериладиган страхование тўловлари маблағларининг 15 процентини ва аҳоли томонидан миллий пенсия бўйича тўланадиган страхование бадаллари маблағларининг 50 процентини ташкил этади. Туркия, Эрон ва Жанубий Вьетнамда давлат бу мақсадлар учун ҳеч қандай маблағ ажратмайди. Исроил ҳукумати страхование бадаллари маблағининг 10 процентини миқдорида дотация берса ҳам, аммо ишлаб чиқаришда рўй берадиган бахтсиз ҳодисалар натижасида майиб бўлиб қолган кишиларга пенсия тўлаш учун ҳеч қандай маблағ бермайди. Бирмада касаллик ва оналик нафақаси учун ҳукумат страхование қилинган кишилар иш ҳақининг бир процентини миқдорида дотация беради. Ҳиндистонда страхование қилинган кишилар ишда майиб бўлиб қолсалар, давлат уларни даволаш учун кетган харажатларнинг 25 процентини ўз зиммасига олади.

Бу мисоллардан страхование фондини ҳукумат эмас, балки меҳнаткашларнинг ўзлари барпо этишлари яққол кўриниб турибди.

ТОКИО конференциясида иштирок этган мамлакатларнинг айримларида оналик страхованиеси бор. Японияда касаллик ва оналик бўйича икки хил страхование мавжуд. Буларнинг бири — нафақа белгилаш ва даволаш, иккинчиси эса фақат медицина ёрдами кўрсатишдан иборат. Бу ерда ишлаётган хотинлар туғишдан олдин ва туғишдан кейин ҳаммаси бўлиб 12 ҳафталик иш ҳақининг 60 процентини миқдорида нафақа оладилар. Туркиянинг мавжуд тартиб-қоидасига мувофиқ, страхование қилинган хотинларга иш ҳақининг 66 процентини миқдорида 12 ҳафталик нафақа тўланади. Исроилда аёлларга бериладиган нафақа миқдори иш ҳақининг 75 процентигача кўпайтирилган, аммо хотинлар тегишли страхование стажига эга бўлмаган тақдирда нафақа фақат 6 ҳафта учун тўланади, холос. Ҳиндистонда страхование қилинган аёл иш ҳақининг ўн иккидан етти қисми миқдорида нафақа олади. Филиппинда оналарга социал страхование белгиланмаган.

Бу мисолларни совет қонунларига таққослаб кўрилса, бизнинг мамлакатимизда оналикни муҳофаза қилиш, она ва болаларга бериладиган моддий ёрдам нақадар юксак поғонага кўтарилганлигини яққол кўрамиз. Шуни айтиш кифоя, Ўзбекистонда 490 мингдан ортиқ кўп болали ва ёлғиз она, ишлаш ва ишламаслигидан қатъи назар, нафақа олади, уларга бу йил давлат бюджетида 52 миллион сўмга яқин нафақа тўлаш кўзда тутилади.

Она ва болаликни муҳофаза қилишда совет қонунидек прогрессив қонун Осиё мамлакатларининг бирортасида ҳам йўқ. Биздаги пенсия тўлаш ҳақидаги қонунлар билан Осиё мамлакатларидаги мавжуд страхование қонун-қоидалари ўртасида катта принципиал тафовут бор.

Фақат социализм ғалаба қилган ва коммунистик жамият қурилаётган давлат шароитидагина халқнинг моддий эҳтиёжлари ҳар тарафлама қондирилиши, меҳнаткашларнинг қарилик, меҳнат қобилиятини йўқотганида тегишли моддий маблағлар билан таъминланиши мумкин.

СОВЕТ делегациясининг Токио конференциясида қатнашиши бизга «Япония—СССР» дўстлик жамияти билан алоқани мустаҳкамлаш имкониятини берди.

Биз Токиодаги Сумидо район хотин-қизларининг гаъсис мажлисида иштирок этдик; рус тилини ўрганиш мактабида бўлдик; «Япония—СССР» дўстлик жамияти ташкил этган кечада қатнашдик, бу жамиятнинг хотин-қизлар секцияси аъзолари билан суҳбатлашдик. Сумидо районидаги майда корхоналарнинг касаба союз ташкилотлари, транспорт, алоқа, медицина ходимлари касаба союзи, бутун Япония бирлашган «Сохно» касаба союз ташкилоти ва йирик ташкилот — «Дон» вакиллари билан бир неча бор учрашдик.

Делегациямиз аъзолари Токио телевидение компаниясининг таклифи билан телестудия ходимининг саволларига жавоб бердилар. Бундан ташқари делегациямиз СССР ваколатхонасида Токиодаги газета, журнал, радио ва телевидение вакиллари учун икки марта матбуот конференцияси ўтказди.

Тингловчилар Совет Иттифоқи ҳаётига нақадар қизиқиб қараганликларини бизга берилган саволлар яққол кўрсатиб турарди: Совет Конституциясида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари қандай гарантия қилинади? Хотин-қизлар раҳбарлик ишларига, министрлик вазифасига қай тартибда кўтарилади? Хотин-қизларнинг олий маълумот олиш ҳуқуқлари қандай таъминланади? Хотин-қизлар давлат ва жамоат ишларини рўзғор ишлари ва бола тарбияси билан қандай қўшиб олиб борадилар? — ва ҳоказолар.

Биз бу учрашувларда КПСС XXII съезди ва партия Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми сиёсий ва иқтисодий тараққиётимиз йўлларини белгилаган тадбирлари ҳақида суҳбатлашдик.

Япония меҳнаткаш хотин-қизларининг совет делегациясини дўстона ва самимий кутиб олганликларини, кўп мисоллар билан кўрсатиш мумкин. Токиодаги Сумидо район хотин-қизларининг йиғилишида расмий қисм ва савол-жавоблардан кейин биз уларнинг илтимоси билан рус ва япон тилларида «Катюша», рус тилида «Москва кечкамлари» ашулаларини биргалашиб айтдик. Бу учрашувнинг охирида ҳамма тик туриб «Интернационал»ни жуда кўтаринки руҳ билан куйлади.

Биз, Япония меҳнаткашлари ўзларининг буюк қўшниси — Совет Иттифоқида бўлаётган ғоят улкан ишларга зўр қизиқиш билан қараётганига қаттиқ ишондик.

Совет делегациясининг Халқаро социал-таъминот ассоциацияси Токио конференциясида иштирок этиши Осиё ва Океания мамлакатларида меҳнаткашлар страхованиесининг прогрессив формаларини ривожлантиришга катта ижобий таъсир кўрсатди.



СУРАТДА: Халқаро социал-таъминот ассоциацияси конференцияси залида.

ТУРЛИ мамлакатлардан ХАБАРЛАР

ПАРТИЯ ЯШАЙ БЕРАДИ

ПРАГА, 12 март. (ТАСС). Ирок коммунистлари ва барча прогрессив кучларига қарши қонли террор Чехословакия меҳнаткашларини жуда разабландирмоқда.

Салом Одил, Муҳаммад Ҳусайн Абу Алис, Хасан Увайний ўртоқларинг ва бошқа ироқлик ўртоқларинг қурбон бўлганлиги муносабати билан биз Ироқ халқи билан бирга чуқур қайғу чекмоқдамиз» деб ёзади бугун «Руде право» газетаси. Бироқ, биз Чехословакия фашистлар оккупацияси остида бўлган даврдаги ўз тажрибамиздан шуни биламизки, раҳбар арбоблардан ўч олиш йўли билан партияни йўқ қилиш мумкин эмас, партияни ҳеч қандай террорлар ва оммавий ўлдиришлар билан йўқ қилиш мумкин эмас. Қурбон бўлганлар ўрнига миллионларча янги коммунистлар келадилар.

ЯНА 25 КОММУНИСТ ЎЛИМ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

ҚОҲИРА, (ТАСС). Ироқ ҳарбий трибунали кеча Ироқ коммунистларидан яна 25 кишини ўлим жазосига ҳукм қилди. МЕН агентлиги мухбирининг Багдоддан хабар қилишича, улар мамлакатдаги янги режимга «қуролли қаршилик кўрсатишда» айбланганлар.

УТАКЕТГАН ВАҲШИЙЛИК

ҚОҲИРА, 12 март. (ТАСС). МЕН агентлигининг хабар беришича, кеча Ироқда 25 коммунист устидан чиқарилган ўлим ҳукми ижро этилган.

Ироқ генерал-губернатори коммунистлар яна қамоққа олина бошлаганлигини билдирган.

КЎПЛАБ КИШИЛАР СУДГА БЕРИЛМОҚДА

БАҒДОД, 13 март, (ТАСС). «Алурва алвасиқа» газетасининг хабар беришича, Ироқ генерал-губернатори 51 ироқликни ҳарбий судга берган. Судга берилганлар орасида офицерлар, солдатлар ва граждан-лар, шу жумладан, Коммунистик партия аъзолари бор.

СУРИЯДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

ҚОҲИРА, (ТАСС). МЕН агентлигининг Ливанда чиқадиган «Аннаҳар» газетасига асосланиб, Байрутдан бугун берган хабарига кўра, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Мустафо Амин ва шу партиянинг бир қанча аъзолари қамоққа олинган.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Юлдузча** телевизион журнали. 18.50 — **Телевизион янгиликлар**, 19.05 — **Самарқанд саноат корхоналарида**, 19.25 — **Тирилиш** номли бадиий фильмнинг биринчи серияси.

Рус тилида: 21.00 — **Денгиз эса ёнимизда шовуллайди** (ёшлар учун), 21.40 — **Телевизион янгиликлар**, 21.55 — **Ноктюрн** («Музикани тинглаб» циклидан).

22.50 — **Сўнгги ахборот** (Ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Буюк ҳаёт саҳифалари** (ҳужжатли фильм). 18.30 — **Кино рассомлари**, 19.10 — **Тугалланмаган кундалик**, 19.50 — М. Горький. **Мальва** номли бадиий фильм. 21.00 — **Концерт** (талабаларга мувофиқ).

Ўзбек тилида: 21.30 — **Мешчера устида тонг.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/III да **Демон**, 15/III да **Русалка**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/III да **Тобутдан товуш**, 15/III да **Алишер Навоий**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/III да **Уч баҳодир**, 15/III да **Кимга тўй, кимга аза.**

КИНО

Сен етим эмассан — «ВАТАН» (кундуз соат 4 да), НАВОИЙ номли (кундуз 3-20 минутда, Ўзбек тилида).

Хуано Гальо — «ВАТАН», «КОМСОМОЛ 30 йиллиги», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 йиллиги», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва кеч 6-40 минутда), «ИСКРА» (кеч 5 дан).

Ҳайкалларгина гапирмайди — НАВОИЙ номли, «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Бўш ўрин — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да), «ДРУЖБА» (2-зал да), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Урушдан кейин кеч соат 6 да — «КОМСОМОЛ 30 йиллиги» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 6 да), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Евдокия — «МИР» (кундуз соат 2 ва 4 да).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
14, 15, 19, 20, 21 мартда
Ўзбек Давлат эстрадаси

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: Ўзбекистон ССР. да хизмат кўрсатган артист **Муҳаммаджон Мирзаев**, эстрада солистларидан **Фахриддин Умаров** ва бошқалар қатнашади.

Программани **Ғулом Тожиаълоев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Касса кундуз 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
РСФСРда хизмат кўрсатган артист
Иван Рубан
қўл остида
„ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР"
АТТРАКЦИОНИ.
(Сўнгги кунлари)

Кеч соат 7 яримда бошланади. Якшанба кунлари 3 мартдан томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

1963 йил 25 март кундуз соат 2 да, Тошкент тўқимачилик институтининг илмий совети мажлисида (2-Выборг кўчаси, 5-уй, 49-аудитория)
А. А. Кассирский
техника фанлари кандидати даража илмий даражани олиш учун «Пахтани стандартлаш ва тола сифатини яхшилаш масалалари» деган темада
ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ
Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»
ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ
ҳовли ва кўчалардаги, уй, магазин ва муассасалар ташқарисидаги,
шунингдек бинолар ичидаги
ЭЛЕКТР ЧИРОҚЛАРИНИ
ТОНГ ОТИШИ ВИЛАНОҚ
ўчиришни сўрайди
Ташқи чироқлардан кундуз кунлари фойдаланиш ҳоллари кўрилган тақдирда
электр қуввати бериш огоҳ қилмасдан тўхтатилади.

«МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДИР...»

— Мен катта жар ёқасида турибман. Ҳамма нарса сизларнинг ҳаракатингизга боғлиқ бўлиб қолди. Ҳеч нарсани аяманглар. Участканинг иккинчисини бирор кимсанинг номига ўтказиб юборинглар, иложи бўлмаса бузиб ташланглар...

Бу гаплар Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги республика руҳий-нерв касалхонасининг собиқ бош врачи Мухтор Ғуломовнинг қўли билан арабча ёзилган ва ҳозир ана шу касалхонанинг меҳнат-даволаш комбинатида ин қурган бир ҳовуч юлғичлар устидан кўзғатилган жиноий делога тикиб қўйилди.

Олий маълумотли Ғуломов нега араб алифбесига мурожаат қилиб қолди? Бу хатни ёзишга нима мажбур қилди?

Ғуломов тюрьма камерасида ётиб, жиноятини енгиллатиш мақсадида шу хатни ёзиб, ташқарига, қариндошларига чиқараётган пайтда ҳўлга тушди.

Касалларни меҳнат йўли билан даволаш усули хизмат қилиши керак бўлган бу комбинатга Л. Вербицкий келди-ю, ҳаракатлар тезлашди, янги-янги, соппа-соғ одамлар пайдо бўла бошлади. Бир куни Вербицкий ўз «яқинларини» тўплади-да, буйруқ берди:

— Ҳамманг 50 сўмдан ташла!

Яқинлар «бирин-кетин» пул ташлаб сўраши:

— Кимга?

— Мухтор Ғуломовичга! Ўзларингга маълум, бош врачнинг имзосисиз бир нарса дейиш қийин. Бунинг устига унга пора-хора бериб бўлмайди, синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганларидек, аввал синаб кўрайлик: бу пулга «совға» олиб, уйига элтамиз, тавакка-кал, ё чикка-ю, ё пукка!

Мухтор Ғуломовичи тушмагурни синамаса ҳам бўлар экан. У, совғани кўрди-ю, оғзининг таноби қочди:

— Бекорга овора бўлибсиз-да.

— Бошлиқсиз, чақириб қолийиб, туринг. Яхшимизни ошириб, ёмонимизни яширадиган ўзингиз, ўтга урсангиз ҳам, сувга ташласангиз ҳам қўлингиздан келади, биз қўлингизмиз.

— Энди, ҳамма ҳам осмондан оёғини узатиб тушавер-кайди, — Ғуломов ҳам бўш келмади. — Ақлимиз етмаганини айтиб туринг.

— Раҳмат, ишончингиз учун ташаккур.

Вербицкий Ғуломовнинг уйини кўздан кечиргандай бўлди-да, бош чайқади:

— Бай-бай, уйингизни бундай деб ўйламовдим...

— Ҳа, озроқ гишт кеятириш керак.

— Охорагарчилик бўлмасин, раҳбарсиз, ишингиз кўп.

Вербицкий шундай деди-ю, шу куниёқ Ғуломовнинг уйига 10.000 дона гишт тушириб кетди.

Энди, али-бали айтишиб ўтиришга ҳожат қолмади, комбинатга «чап кўчадан» материаллар келиб туша бошлади. Касалларни меҳнат йўли билан тарбиялашга «чарм керак», «ипак керак», «ип керак», ана шундай керак-кераклар деб ёзилган қоғозларга Ғуломов кўзини юмиб, имзо чекаверди, ҳар имзосига ведомостсиз ойлик тайинлади: ойига 500 (пуллар янги ҳисобда) сўмдан «маош» олиб турди. Ғуломовга терговчи шунда қуйидагича савол берди:

— Жиноий йўлга мукканингиздан кетганингизни билармидингиз?

— Ҳа, билардим, мени бу йўлга нафсим етаклади. Ойнинг охири қачон келишини зориқиб кутар, беш юзни чўнтакка олгач, юрагим тинчланган-дек бўлардим. Москвага бориб қолсам, «пулни юборинглар» деб телеграмма юборардим.

Бу нафс балоси беш йил ичида кўп эмас «26.100 сўмни жигилдонига» жойлаб ташлади.

Энди Вербицкийдан эшитинг.

У — уста юлғич, моҳир пора берувчи. У, министрликнинг собиқ бош бухгалтери Матвеевни ҳам пулга сотиб олиб, ўз куйига ўйнатган. Матвеевнинг хизмати осон эди:

— Эртага комбинатни ревизор босади, — дерди Матвеев телефонда, — ҳисоб-китобни учма-уч қилиб қўйинглар!

Вербицкий комбинатда ишлаб чиқарилган молларни айрим магазинларга чиқариб, пул деса томдан ташийдиган савдо ходимлари орқали сотгирарди. Шу йўл билан бу юлғич қисқа вақт ичида 39237 сўмни ўзлаштириб юборди. Вербицкийнинг пули, моли-дунёси кўпайиб, бир оз дам олмоқчи бўлди. Шунда у, Рацен-берг деган кимсани топиб музокара олиб борди:

— Мен дам олмоқчиман, ўрнимга технорук бўласанми?

Рацен-бург ернинг тагида илон қимирласа биладиганлардан. Шунинг учун у ҳам ўз навбатида савол берди:

— Амалинг неча пул туради?

— 5.000!

— Қимматроқ-ку.

— Мунча пастсан, аблаҳ?

— Хўп, гапнинг ўғил боласи шу: битта «Волга»нинг пули, яъни 4.000 бераман, Розимисан?

— Сана!

Рацен-бург турган жойида қирқта юзталикни санаб ташлади.

— Энди, — деди Вербицкий, — менинг ҳиссамни ҳар ойда уйга олиб борасан.

— Бунисига ҳам розиман...

Жиноятчилар шундай йўллар билан давлатнинг 314257 сўм 48 тийин пулини ўзлаштириб юборишга муваффақ бўлганлар.

Жиноятчиларнинг ҳаммаси қамоққа. Тергов ишлари тугалланди. Яқин кунларда жиноятчилар суд олдида жавоб берадилар.

В. МАҲКАМОВ,
Р. ИСҲОҚОВ,
А. ҚУЧҚОРОВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор — 26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р 06260. Индекс 64543. Нашр. № 62.